

ШАҲИДЛАРНИНГ РУХИ ШОД, ОХИРАТЛАРИ ОБОД БЎЛСИН

Kuch – bilim va tafakkurda



МАҶМУАТАТ • ХАЛК ЗИЁЛИЛАРИ ГАЗЕТАСИ •

Ma'rifat

1931 йилдан чиқа бошлаган • 2000 йил 13 май, шанба • Баҳоси сотувда эркин нархда № 37 (7232)

Президент Ислом Каримовнинг «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмунининг очилишига бағишлиланган маросимда сўзлаган нутқи



Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Қадрли меҳмонлар!

Хурматли оқсоқоллар!

Авваламбор, мана шу гўзал майдонда тўпланиб турган, узоқ-яқиндан келган, бугунги эзгу ишга дахлдор бўлган сиз азизларга, сизлар орқали бутун халқимизга чин қалбимдан ўзимнинг хурмат-эҳтиромимни изҳор этмоқчиман.

Хурматли жамоат!

Шаҳид кетган аждодларимиз хотирасига бағишлиланган, фоят қисқа муддатда қад ростлаган бу ёдгорлик мажмунини айнан шу жойда — кўп-кўп тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, албатта.

Одамларнинг юрагида мудхиши из қолдириган қатағон йилларида бу кўримсиз жарлик — Алвости кўпприк деб совуқ ном олган, инсон қалбига кўркув соладиган бу қаровсиз жойда халқимизнинг минглаб асл фарзандлари отилган, бекафан, бежаноза, ном-нишонсиз кўмиб

ташланган.

Миллатимиз фахру ифтихори бўлган Абдулла Қодирий, Абдурауф Фитрат, Абдулҳамид Чўлпон сингари юзлаб улуғ зотларнинг ҳам шу ерда қатл этилганини яқингача кўпчилик билмас эди.

Зулм ва зўравонликка қурилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-кимматини теран англаған, ижтимоий-сиёсий онги юксак, халқни уйғотишга, халқни бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида фидойилик кўрсатган барча ақл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Мана шулар қаторида сиёсатдан мутлақо узоқ бўлган, минг-минглаб оддий дехқонлар, хунарманд-косиблар, иши-хизматчиларнинг бегуноҳ курбон бўлиб кетгани тасаввурга ҳам сифмайдиган аянчли бир ҳолдир.

Ана шу азиз аждодларимиз-

нинг арвоҳлари шунча йиллар давомида ҳаловат ва ором топмасдан мана шундай кунларни кутар эди.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду фами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурёдлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимизни адо этмоқдамиз.

Азиз юртдошлар!

Жафокаш халқимиз асрлар давомида не-не оғир синовлар, машаққатли кунларни кўрмади. Ўз озодлиги, эркинлиги, тинч ҳаёти йўлида курашиб, беҳисоб курбонлар берган ота-боболаримиз жасорати тарихий хотирамиздан ҳеч қачон учмайди.

Айниқса, машъум 1937-1953 йилларда содир этилган бедодликни тасаввур этиш учун

(Давоми 2-бетда)

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ

Ўтган йили Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан мамлакатимизда мустамлакачилик даври курбонлари хотирасини абадийлаштириш ва «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмунини куришга қарор қилинган эди. Шу қисқа вақтда бу борада улкан ишлар амалга оширилди. Жумладан, миллий мустақиллик, Ватан равнақи, юрт озодлиги учун жонини фидо айлаган эл ўғлонларининг кутлуг хотирасига пойтахтда муаззам хиёбон барпо этилди.

12 май, муборак жума тонги гўзал отди. Уфқдан бош кўтарган күёш шу куни пойтахтимиз марказидан оқиб ўтубчи Бўзсув соҳилида ажаб бир жонланишнинг гувоҳи бўлди. Бир вақтлар киши ёлғиз юришга юраги бетламайдиган хилват гўшани бугун таниб бўлмайди. Буралиб оқаётган Бўзсувнинг икки соҳили кенг ва ям-яшил сайдонлик. Бунда яшил либос кийган дараҳтлар, шаршара бўлиб қўйилаётган фавворалар, саккиз устун кўтариб турган нилий гум-



Суратларда: маросимдан лавҳалар.

А. ТЎРАЕВ (ЎЗА) олган суратлар.



Президент Ислом Каримовнинг «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмунининг очилишига бағишиланган маросимда сўзлаган нутки

(Боши 1-бетда)

Ўзбекистон бўйича қарийб 100 минг киши қатаонга учраб, 13 минг нафари отиб ташланганини эслаш кифоя.

Инсоний кадр-қиммати топталган, ҳаёти поймол этилган бу одамлар орасида юртимизда истиқомат қилган деярли барча миллат ва элатларнинг вакиллари бор эди.

Шу даврда қанча-қанча одамларнинг ўз оиласидан жудо бўлгани, аёллар беваликка, гўдаклар етимликка маҳкум этилганини инобатга олсак, ҳалқимиз бошига тушган бу фожианинг миқёси янада яққол намоён бўлади.

Барчамизниң тақдири мизга дахлдор бўлган тарихий адолатни тиклаш, ҳалқимиз ва миллатимизниң яқин ўтмишидаги ҳалихануз сир бўлиб келаётган ёпик саҳифаларни тўла очиб бериш, шу тарихдан сабоқ чиқариб бугунги ва келажак ҳаётимизга онгли қарашни шакллантиришда мана шу ёдгорлик ва амалга ошираётган эзгу ишларимизниң алоҳида ўрин тутиши шубҳасиз.

Аслида биз кўлга киритган мустақилликнинг моҳияти ҳам ўзлигимизни англаб, ўз тақдири мизни ўз қўлими зига олиб, миллатимизниң қадр-қимматини, унинг шаъни ва гурурини тиклаб, асрий адолатни қарор топтириш ва ҳалқимизниң обрў-эътиборини янада юксалтириш демакдир.

Бугун ана шу олижаноб мақсад йўлида яна бир кутлуғ қадам кўйилди.

Биз буун шу табаррук зиёратохда туриб, озод ва эркин Ватан учун жон берган шахидлар рухи олдида баш этиб, уларга ўз хурмат-эхтифамимизни бажо этамиз.

Бу зиёратохни биз қатаон қурбони бўлган, жисми олис-олисларда қолиб кетган Махмудхўжа Беҳбудий, Мунаввар кори, Усмон Носир, Убайдулла Хўжаев, Сайд Аҳорий, Боту, Исҳоқхон Ибрат, Элбек сингари юзлаб юртдошларимизниң ҳам рамзий мозори сифатида қабул қилмоғимиз керак, деб ўйлайман.

Мана шу жойдаги минглаб инсонларнинг шу кунгача чирқираб ётган рухи поклари бугун барчамиздан, эзгу ишларимиздан рози бўлиб, шояд ором топган бўлса, ажаб эмас.

Қатаон йилларида қурбон бўлган ота-боболаримиз хотираси олдида ўз инсоний бурчимилини бажо келтириб, шу муборак жума тонгидаги қилган барча дуои фотиҳаларимиз илоё ижобат бўлсин.

Бугунги маросимда узоқ-яқиндан келган ҳамюртларимиз ва меҳмонларимиз орасида Ватанимиз озодлиги, беғубор ҳаётимиз, авлодлар баҳт-саодати йўлида қурбон бўлган инсонларнинг қариндош-уруғлари, ёру биродарлари иштирок этажани тарихимизда адолатнинг янада бир саҳифаси тикланаётганидан далолатdir.

Биз буни ўша қатаон йилларида эзилган, қадр топмаган қанча-қанча одамлар орзиқиб кутган кутлуғ кунларнинг тантанаси, деб қабул қилмоғимиз даркор.

Азиз дўстларим, биродарларим!

Шу қурилиш давомида

ўтганлар рухини ёд этиб, минглаб юртдошларимиз, муҳтарам нуронийларимиз, зиёлиларимиз, адабиёт ва санъат аҳли, турли касб эгалари ҳашарлар уюштириб, беғараз меҳнат қилгани — алоҳида эътибор ва таҳсинга сазовор.

Мана шундай бебаҳо ва буюк инсоний фазилатларга эга бўлган, барча ҳайрли ишларга доимо тайёр, қалбида меҳр-оқибат туйғуси хеч қачон сўнмайдиган, озодлик йўлида жон берган фарзандларининг табаррук номларини ўз хотирасида ҳамиша саклаб келадиган, бағрикенг, вижданни уйғоқ ҳалқимиз асло кам бўлмайди, иншооло.

Муҳтарам юртдошлар! Бугунги унтилмас, савобли ва тарихий бир воқеанинг асосий иштирокчилари бўлмиш мана шу ёдгорлик мажмунини бунёд этган моҳир курувчилар ва кўли гул устарга, меъмор-муҳандисларга чин қалбимдан ташаккур билдираман.

Гўзал боғ-роғлар яратиб, бу жойни обод қилишда қатнашган қадимий Юнусобод ахлига, барча ҳамشاҳларимизга таъзим қиласан.

Шу улуғ ва беғараз ишларга ҳисса кўшган кўлларингиз дард кўрмасин, бошингиз омон бўлсин!

Азиз ватандошларим, муҳтарам юртдошларим!

Шу лаҳзаларда ҳаммамизнинг кўнглимиздан кечаетган бир туйғуни ифода қилиб айтмоқчиман: шахидларнинг рухи шод, охиратлари обод бўлсин.

Юртимиз тинч, осмонимиз мусафро, озодлик ва истиқолимиз абадий бўлсин!

ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ – МАНГУ БАРҲАЁТ

(Боши 1-бетда)

баз, текис ва бежирим йўлкалар кишининг кўнглига ҳам фараҳ, ҳам сокинлик кайфиятини солади...

Ёдгорлик мажмунинг очилиш маросимига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, давлат ва жамоат ташкилотлари, пойтакт жамоатчилиги вакиллари ташриф буюрган.

Ўн етти гектарлик кенг хиёбон узра шахидлар хотирасига бағишилаб ўқилган «Куръон» оятлари янграйди. Сўнг анъанага мувофиқ, йиғилганларга наҳорги ош тортилди.

Ёдгорлик пойида ўтказилган хотирлаш маросимида мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Шахид кетган аждодларимиз хотирасига бағишиланган, фоят қиска муддатда қадростлаган бу ёдгорлик мажмунини айнан шу жода — кўплаб тарихий воқеаларга гувоҳ бўлган қадимий Бўзсув соҳилида барпо этганимиз бежиз эмас, — деди юртбушимиз. — Зулм ва зўравонликка курилган мустабид, бешафқат тузум даврида ўзлигини, миллат қадр-қимматини теран англаган, ижтимоий-сиёсий онги юксак, ҳалқни уйғотишига ва бошқаришга қодир бўлган, маърифат ва маънавият йўлида Фидойлик кўрсатган кўплаб акл-заковат соҳибларининг жасадлари мана шу тепалик ва жарликларда ном-нишонсиз қолиб кетган.

Биз уларнинг ушалмаган орзу-армонлари олдида, орадан шунча вақт ўтган бўлса-да, ҳали-ҳануз дил яраси битмаган, кўз ёшлари тинмаган, ўша айрилиқнинг дарду фами билан яшаб келаётган қавму қариндошлари, яқинлари, зурёлари олдида, Яратганимиз олдида бугун ўз инсоний бурчимилини адо этмоқдамиз.

«Шахидлар хотираси» ҳайрия жамғармаси раиси Наим Каримовга сўз берилди. Бундан тўқиз йил илгари, ватанимиз истиклолидан аввал, шахидлар хотирасини шунчалик эъзозлаш мумкинлигини, ҳатто тасаввур ҳам қилиш қийин эди, деди у. Лекин Ватан мустақиллиги учун курашгандар, эрк истаганларнинг умиди ўлмаслигини кўрсатди. Қатаонга учраганлардан бири кўлида кишин билан сўнгги йўлга кетаётib, ҳомиладор хотинига қаратса, қиз кўрсанг, исмини Умида, ўғил туғилса, Нажот қўйгин деган экан. Бугунги маросим аслида ўша умид қилинган НАЖОТнинг етиб келганини исботлаб турибди.

Қатаон қурбонлари фақат зиёлиларига бўлмаган, истибдоднинг оловида хўлу куруқ баравар ёнган. Ҳужжат-


ларнинг гувоҳлик беришича, ўттизинчи йилларнинг ўрталарида бир туман миқёсидаги раҳбар қамалгач, унинг «думи» сифатида яна эллик саккиз киши бадарга этилган экан. 130 йиллик мустамлака даврида эса Ватанинг қанчалаб асл ўғлонлари эрк орзусига етолмай тупроққа бosh кўйганини бугун аниқ айтиш қийин. Лекин улуғ шоиримиз Чўлпон ёзганидай: «Йўқ, ўлим йўқ, Бир ўчиб сўниш, яна ёниш бор!» Ватан ва ҳалқ баҳт-саодати йўлида шахид кетган аждодларимиз учун ўлим йўқ.

Маросимда қатаон қурбонларининг авлодлари, яқин қариндошлари — Холида Аҳорова, Мутал Бурхонов, Рафиқа Абдуғаниева, Назира Қодирова, Эгамназар Қодиров сўз олиб, қатаон даҳшатларидан, шахидларнинг оила аъзолари чеккан жабр-зулмдан гапидилар. Ўша мудҳиш кунларнинг қайтмас бўлиб кетиши ва шахидлар табаррук номларининг тикланиши борасида улкан ишларни амалга ошираётган Президент Ислом Каримовга миннатдорлик туйғуларини изҳор қилдилар. Ана шундай ҳайрли ишлардан бири бўлган мазкур муаззам боз эса шахидларнинг хотирасига кўйилган муносиб ёдгорлик эканини таъкидладилар.

Маросим якунлангач, Президент Ислом Каримов оммавий аҳборот воситалири вакиллари билан мулоқотда бўлди. Юртбошимиз, бугунги авлодлар ватан ва ҳалқ баҳт-саодати йўлида қурбон бўлган аждодларимиз олдида қарздор эканини таъкидлади. Бугун очилган «Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуни ана шундай қарзни узиш йўлидаги бир қадамдир. Айни пайтда бу ёдгорликни ҳақиқат ва адолат тантанаси сифатида ҳам тикладик, деди мамлакатимиз раҳбари. Чунки адолат ва ҳақиқат барибир рўёбга чиқади. Адолат ва ҳақиқат бўлмаган жода эса демократия ҳам бўлмайди, инсон ҳуқуқларини таъминлашнинг ҳам иложи йўқ. Ана шундай буюк мақсадларни ўз фаолиятига шиор қилиб олган бобомиз Амир Темур улкан ва шавкатли давлат куриш йўлида қанчадан-қанча мушкулоларни бошидан кечирган, қамоқларда азоб чеккан, саҳроларда дарбадар кезганд. Лекин у ўз мақсади йўлида собит бўлгани учун ҳам охироқибатда ниятига эришган. Ўша сабот-матнат ҳалқимизга меросдир. Шу сабот буюк келажагимизнинг гравидир.

«Шахидлар хотираси» ёдгорлик мажмуни илк кунданоқ зиёратчилар билан гавжум бўлди.

**Мусулмон НАМОЗ,
ЎЗА мұхбири**



ДУНЁНИ МЕХР-ОҚИБАТ ҲАМ ҚУТҚАРАДИ

Шу йилнинг 10-12 май кунлари Тошкент шахрида “Таълим тўғрисида”ги Қонун ва “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури” ҳамда “Соғлом авлод Давлат дастури – амалда” мавзусида ўтказилган “Йил ўқитувчиси – 2000” республика кўрик-танлови устозлик салоҳиятини янада юқори погонага қутаришда, муаллимлар бир-бирлари билан тажриба алмашишларида мухим, ўзига хос баҳс, мусобака майдони вазифасини ўтади, десак муболага бўлmas. Баҳсни ҳакамлар ҳайъати аъзолари холисона баҳолаб бордилар.

Танловнинг илк куни республика кўрик-танлови иштирокчилари РТМда ҳакамлар ҳайъати ва эксперт комиссияси аъзолари билан учрашиб, сұхбатдан ўтишиди. Уларнинг педагогик инновациялардан нечоғлик хабардорлиги, компьютер саводхонлиги ҳам синовдан ўтказилди. Шу аснода иштирокчиларнинг видеодарслари таҳлил қилинди, тест саволларига жавоблари тингланди.

Шу куни иштирокчилар Хотира майдонини ҳам зиёрат қилдilar. Амир Темур, Алишер Навоий ҳайкалари пойига гуллар қўйишиб, Темурийлар тарихи Давлат музейи билан танишишиди.

Биз кўрик-танлов иштирокчилари билан бирга юрганимизда шу нарсанни пайқадикки, улар ҳар қандай воқеаликни эътиборсиз қолдиришмас экан. Масалан, бу фидойилар майдон ва музейлардаги ҳар бир бўлимни дикқат билан кузатиб, ҳатто айрим саналарни ён дафтарларига қайд қилиб қўйишар эдилар...

Хаёлимизни эса “Бундай зукко ўқитувчиларнинг дарслари қандай бўлар экан?” деган саволлар тарк этмасди. Очик дарслар жараёнida муаллимлар ўкувчиларни мустақил фикрлашга ўргатиш усулларини, ноанъа-

навий дарсларни, ижодкорликларини тўла-тўқис намоён қила олдилар. Улар вазиятлардан чиқа билиш маҳоратларини ҳам ёрқинроқ кўрсатишиб, ўғил-қизларни фаолликка ундалдилар. Муҳими, иштирокчилар ҳар бир машгулот мавзусини мустақилликка, истиқлолнинг қадрияга етиш тушунчаларига, қадриятларимизга боғлаб ўтишиди. Деярли ҳар бир дарсда бошқотирма ва тестлардан, топишмок ва саҳна кўришиларидан фойдаланилди. Аксарият дарсларда эса ўкувчилар гурӯҳларга бўлинниб, баҳс-мунозараларни киришишиди.

Дунёни гўзаллик қутқаради, дейишиди. Чунончи, бу йилги танлов иштирокчиларининг миллат, Ватан, гурур, иймон, эътиқод, қадрият тушунчалари акс этган гўзал, ноанъанавий дарсларини пойтахтнинг 110-мактаб

ўзгача завқ билан қабул қилишиди.

Таълимни кидлаш жоизки, иштирокчилар бир соатлик дарс жараёнida ўғил-қизларга бутун меҳрини бағишилаб, маҳорат билан сабоқ беришиди. Шу бойисданми, ўкувчилар иштирокчиларнинг ҳар бир саволига жавоб бериш харакатида бўлдишар.

Хуллас, “Йил ўқитувчиси – 2000” кўрик-танлови қатнашчилари ажиб бир ҳақиқатни каашф қилишиди: “Дунёни нафақат гўзаллик, балки меҳроқибат ҳам қутқаради”.

“Йил ўқитувчиси – 2000” республика кўрик-танловининг якунига бағишиланган таҳлилий мақола билан газетамизнинг навбатдаги сонларидан бирида батафсил танишасиз).

Курбонбой МАТҚУРБОНОВ

Суратларда: кўрик-танлов иштирокчиларининг Тошкент шахридаги 110-мактабда ўтказган очик дарсларидан лавҳалар акс этган.

Равиль АЛЬБЕКОВ олган суратлар



“УМИД” ЎЗБЕКИСТОНГА ҚАЙТДИ

Яқинда “Умид” совриндорларидан 80 нафари чет эл олий ўкув юртларида таълим олиб қайтишиди.

Бакалавр дарајасини олиб келгандарга Ўзбекистон олий ўкув юртларида билимларини чукурлаштириш учун тавсиялар берилди. Магистрликни эгалаганлар эса аспирантурада ўқишлари мумкин. Ёки бу билимни улар ўз ука-сингилларига берадилар, Ўзбекистон тараққиётiga сарфлайдилар. Зоро, етук мутахассис жамиятдан ўз ўрнини топиб олиши, шубҳасиз.

МУХБИРИМIZ БИР ПИЁЛА ЧОЙ УСТИДА

Талабалик даври олтин даврdir. Фаргона вилояти, Фаргона тумани ҳокимлигига бўлиб ўтган тадбир, талабалар ҳаётидаги унтилмас кун бўлиб қолди. Президентимиз раҳнамоликларида иқтидорли ўшларга билдирилаётган ишонч, кўрсатилаётган эътибор бизнинг туманда ҳам ўз ифодасини топмоқда. Туман ҳокими Тўлқинжон Эгамбердиев маҳаллий худуддан чиқкан, ҳозирда республикамизнинг турили олий ўкув юртларида таҳсил олаётган талабаларнинг энг иқтидорлilari билан бир пиёла чой устида гурнглashedи. Бу учрашувга нафақат талабалар, балки туманимиз фаоллари, олий ўкув юртларида таълим берадиган мўътабар устозлар ва ота-оналар ҳам таклиф этилган эди.

Хурмат-эътибордаги Андикон Давлат тиббиёт институти даволаш факультетининг 3-курс талабаси Эльбек Фуломов, Фаргона Давлат университети методика факультети 4-курс талабаси, Навоий номидаги стипендиya соҳибаси Мафтунахон Обидовалар Фаргона туманининг фахридир.

Эльнора ФУЛОМОВА,
Фаргона Давлат университети,
ўзбек филологияси факультети
2-курс талабаси

ПСИХОЛОГЛАР НИЗОМИ МУҲОКАМАДА

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, РТМ, республика Ташхис маркази, Бухоро вилоят ҳалқ таълими бошқармаси ҳамкорлигига мактаблардаги амалиётчи психологларнинг вазифаларига бағишиланган республика амалий семинари бўлиб ўтди.

ИЛМГА ИНТИЛГАН ЭЛ

Пойтахтимиздаги Миср Араб Республикасининг фан ва таълим маркази фаoliyat кўрсатадиганига кўп бўлгани ўйқ. Марказда ёши ва касбидан қатъий назар илмга чанқоқ бўлган инсонлар таҳсил олмоқдалар. Айни кунларда бу ерда мингта яқин илм толиблари олий маълумотли устозлар кўлига араб тили ва грамматикасини пухта ўрганмоқдалар.

Куни кеча навбатдаги битирувчилар шаҳодатнома олиш ва устозлар билан хайрлашиш учун бу ерга ўтилди.

Миср Араб Республикасининг Тошкентдаги элчиси Мамдуҳ Шавқий жаноблари талабаларни айём билан кутлаб, шундай деди:

–Ўзбек ўшлари илмга жуда чанқоқ ўшлар. Буни мен ўзимнинг кузатувимга асосланиб айтаяпман. Аммо илмга ҳам ғоя бор. Биз фарзандларимизни инсон-парварлик ва тараққиёт ғоялари мужассамланган илм ўйлига солишимиз керак. Ана ўшанга залолат ва қабоҳат барҳам топади. Ўзбек халқининг илмга бўлган интилишларини эътиборга олиб, биз Бухорода ҳам худди ана шундай таълим маркази очишни режалаширганимиз.

Талабалар ижро этган куй ва қўшиқлар, театр томошалари иштирокчаларга катта таассурот қолдирди.

Қаноат БОЙХОН қизи

Бутун Узбекистонимиз шифрини барча давлатлар орасида ҳимоя қилаётган, галабаларга эришиб юртимизнинг жаҳонга танилишига ҳисса кушаётганлар спортчилар жуда кўп. Дунёда спортчилар оммавий ва барча севадиган бирор бир соҳа булмага керак. Спорт соҳасида муваффақиятта эришиш жуда қийин ва бу муваффақиятни асрар туриш, сақлаш эса ундан қийин роқ.

Бутунгни мемонимиз 1991 йилда булиб утган эркин кураш мусобақаси чемпиони, бутунгни кунда Узбекистоннинг ифтихорига айланни бораётган дзюдочи Камол Муродов. "Спортчилар билан сұхбатлашиш қийин, улар жуда камгап бўлади" деган гапларни күп ёшитандим. "Мехнат резервлари" номли спорт клубига бориб дзюдочилар машқ утказётган зални топишга қийналмадим, аммо чемпион Камол Муродов билан сұхбатлашиш, унинг бир оғиз сўзини олиш осон бўлмади. Ҳаттоқи сұхбатдoshimnинг ута камгап эканлигини куриб, олдиндан тушиб борган саволларим, фикрларим эсимдан чиқиб қолди. Нима бўлса ҳам чемпиондан қўйиладиларни билиб олдим.

— Камол ака, Сиз ҳозир ўзингизни ўкувчиман деб тасаввур қилисангизда, менга биринчи устозингиз ҳақида, улар қаршингизда тургандек гапириб берсангиз.

— Тўғриси, гапга кирмас, шўх, ерга урса кўкка сапчийлигидан бола бўлганим учун ҳозир узимни ўкувчи деб ҳисобламайди, балки озми-купми дунёни кўрган бир одам сифатида биринчи ўкувчимни эслай. Албатта, болалик бошқача давр бўлади. Мен буни нима деб таърифлашни билмайман. Биринчи синфда мени Мунаввар опа деган аёл ўқиттанди. У киши биз бораларга "Алифбе"ни ургатар экан, барчамизни ўз фарзандидек яхши куришини билдириб турарди. Синфда тупалон қилсак ҳам, қизларнинг сочидан тортиб қочсак ҳам, синф деразасини синдириб қўйсак ҳам меҳрибонлик билан танбех берардилар. Назаримда, биринчи муаллими, биринчи севгини, биринчи марта узоқ ерга килинган саёҳатни хеч қаҷон унтиби бўлмаса керак. Қайсирид қирраси, қайсирид кичик бир детали ёддан кутарилиши мумкин, лекин бутунлай хаёлдан учуб кетмайди.

— Ёнгизда қолган воқеа, Сиз ҳеч қаҷон унумайдиган ўқитувчиларнинг ҳақида тўхталсангиз...

— Тўғриси мен шу ёшимгача жуда кўп мактабда таълим олганман. Дастьаб, Бухоро вилояти Олот туманидаги 16-мактабда бошлангич билимни олган бўлсам, сунгра Чирчик шаҳридан болалар ва усмирлар спорт мактабида, ундан кейин Тошкент шаҳрида таълим олдим.

Жуда кўп мураббийлар сабоқ бериши. Мен уларнинг ҳаммасини яхши эслайман. Ҳамма устозларидан жуда кўп нарсаларни ургандим. Физика, физкультура, тарих, биология фанлари менинг севимли фанларим эди. Бу фан ўқитувчилари ҳам севимли ўқитувчиларим деб олтаман. Мактаб даврининг ҳамма-ҳамма воқеа ва ҳодисалари ҳам ёдимда.

— Сизда спортта меҳр қаҷон уйғонган ва спортдаги илк устозингиз ким бўлган?

— 5 ёшимда спорт билан шуғуланиши бошлаганман. Аввал шунчаки қизиқиши шаҳаваси билан бошланган машгулотлар бора-бора аниқ мақсад сари ташланган қадамлар бўлди, деб уйлайман. Кун бўйи тендошларим билан олишиб, кўча чангириб юрган пайтимда ҳам спортнинг, айниқса, узбек курашининг бир элементини бажараётган булардим. Спортдаги илк устозим отам бўлгандар. Отам раҳматли Бухоронинг энг зўр полвонларидан эдилар. Полвонлик сир-асорлари, полвонда бўлиши керак бўлган бағрикенглилар, олийжаноблик каби хислатлар билан мени тарбиялаган зот отам эди. Улар биз фарзандларнинг барчасига яхши тарбия берганлар десам бўлади. Сабаби оила-да 3 нафар угил, 4 нафар қиз тар-

Mehmonxon



да Узбекистон шарафини ҳимоя қиласан. Худди машхур боксчи Артур Григорянга ухшаб.

— Турили мусобақалар, ҳалқаро турнирларда қатнашиш учун дунёнинг кўплаб мамлакатларидан бўласизлар. Яқинда Африка қитъясининг Тунис шаҳрида бўлиб қайтибисизлар. Бу сафар сизга омад келтирибди. Мен галабангиз билан табриклиман. Айтингчи, чет элларда юриб кўпроқ нимани согинасиз?

— Тўғриси, узбек таомларини, кейин Узбекистон ҳавосини.

СПОРТ ҲАМ ТАРБИЯЛАЙДИ

бияланганмиз. Бир укам ҳам спорти эди, Ҳиндистонда булиб утган усмирилар ўртасидаги ҳалқаро турнир голиби ҳам бўлганди. Умри киска экан, 17 ёшида оламдан утди.

Аввал 1991 йилда эркин кураш бўйича жаҳон чемпиони бўлдим ва бу менинг катта спортга кириб келишимга яна бир катта имкониятни яратди.

— Спортчилар элга танилиб, машхур бўлиб боргани сари уларга харидорлар ҳам кўпая бошлади. Менимча, спортнинг қайси тури бўлмасин барчасида, энг кучлиларга доимо "совчилар" бўлиши табий. Сизга ҳам чет эл клубларидан таклифлар тушганини ва буни қандай ҳал қилгансиз?

— Албатта, спортчига, тўғрилоги кучли спортига харидорлар кўп бўлади. Кўп жойлардан, яхшигина клублардан таклифлар тушган, узимга ишончимни мустаҳкамлаш мақсадиди, яқин кунларда, июнь ойиди Германия клубларидан бири билан шартнома имзоламокчиман. 2001 йилда Туркияда дзюдо бўйича ҳалқаро турнир булиб утди ва мен бунда Германия клуби таркиби-

мен баландпарвозда гап айтмоқчи эмасман, фақат чет элда кунглимдан кечадиган туйгуни айтмоқчиман, холос. Баъзида чиройли шаҳарлар, гузал манзаралар кузимга хунук кўриниб қолади, Узбекистоннинг иссиқ турогини согинаман. Нимагадир узбек одамларни кўргим келиб қолади. Куз-коши қора, истараси иссиқ одамларни тез-тез эслаб қоламан. Уларни, Тошкентни тезроқ курсам дейман.

— Баъзилар спортчилар қаттиқ парҳез қилиши керак, улар месъёридан ортик овқатланса формадан чиқиб кетади, дейшиши. Шу ростми? Ҳозир ўзбекву овқатлар деганингизда шу нарсалар эсмига тушди. Ўзбек милли таомлари калорияга бой, кучли овқатлар ҳисобланади-ку?

— Гимнастикачилар, енгил атлетика билан шуғулланувчилар парҳез қилиши мумкиндири. Лекин биз қанча кучли ва сервитечинин таомлар истеъмол қилсак, шунчак бакувват ва чидамли бўлмиз. Ҳар куни 5-6 соатлик жисмоний машқлар, кучли физкультура йиинларидан сунг организм шундай таомларга эҳтиёж сезади.

ди. Биз парҳез қилмаймиз.

— Сизнинг кун тартибингиз қандай? Жисмоний машгулотлардан сунг қандай қилиб вакт утказасиз. Маданий хордик, кино, театр дегандек.

— Эрта билан бошланган машгулотлар 2-3 соат давом этади, сунгра бирор ерда ҳордик чиқаралади. Дустларим билан турли кўнгилочар жойларга борамиз, мусика эшитамиз. Мен бирор бир истироҳа боғида чиройли қушик эшитиб дам олиши яхши кураман. Кейин яна мана шу "Меҳнат резервлари" спорт клубининг дзюдо залида тинимиз машқлар.

— Кўпчилик кураш, юнон-рум кураши, дзюдо каби спорт турларини бир хил деб ўйлашади. Юқорида санаб ўтилган спорт турларини бир-биридан фарқли ва ўхшаш томонларини айтиб берсангиз?

— Узбек курашининг Фарғона, Бухоро, Тошкент усуслари бор. Унда асосан куч муҳим уринини эгаллаиди. Юнон-рум кураши эса эластиклар табал қиласи. Дзюдода қўл, оёқ турли ҳаракатлар қилиб, рақибини чалтиши керак. Асосан куч ва ақл устулиги сафарда гала-банинг энг нуфузли мусобақасида маҳдиямиз янграб, байргимиз кўтарилишади ҳамма-ҳамма қийинчилкларимиз, машқлардан олган толикишларимиз чиқиб кетади ва биз яна келгуси галаба иштиёқда ҳаракат бўшлаб юборамиз.

Бизга ишониб турган юртдошларимиз олдида бундан ҳам юқорироқ чўккани забт этиши истаги доимо устунлик килаверади.

— Фалаба тинимиз мөхнат, маваққатга боғлиқми, ёки омадга?

— Ҳақиқий спортчи учун шоҳсупага кутарилиши ҳар икки ҳолатга ҳам боғлиқ. Спортчингиз галабасини баъзилар киморда ютандек қабул қиласидар, лекин бу тўғри эмас. Спорти жуда кўп тур тўқади, риёзат чекади. Энг муҳими галабага бўлган иштиёқ. Голиблик учун ташланган биринчи қадамлар ҳам шу иштиёқ мөвасси.

— Австралияниг Сидней шаҳрида бўлиб утадиган асрингиз сунгти олимпиадасига ҳам қисқа муддат қолди. Бу нуфузли мусобақага қатнашиш истаги ҳар бир спортчига булиши, шубҳасиз...

— Ҳа, худо хоҳласа яқин кунлар ичди Осиё чемпионати булиб утади. Агар шу мусобақада олтин медални кўлга кирита олсан, Узбекистон дзюдочилари Голдней йўлланмагарида эгалик қилишади.

— Мазмумли сұхбатнинг учун раҳмат.

Шарифа МАДРАХИМОВА
сұхбатлашди.

Аср бошида одамлар "телегроф"дан ҳайратланган бўлса, бутунги авлод ахборот олишнинг турфа усусларини билади. Кўплар янги асрда ахборот – энг қиммат товар бўлди, деб башорат қилишаёттир. Ҳарна бўлганда яхши китоб, газета ёки журнallарнинг бу дунёда мавқеи ошса ошадики, асло камаймайди.

Буни яхши англаган "Янги аср авлоди" нашриёт-матбаа маркази ижодкорлари тинимиз изланшида. Бу изланши натижаси ўлароқ "Ёш куч" ва "Синфдош" журнallарининг янги сонлари нашрдан чиқди.

"Ёш куч" нинг 4-сони Шаҳноза Соатованинг "Онгимиздаги фильм" мақоласи билан бошланади. Муқаддисида "Энг катта фожея жамиятда фикрнинг кўп бўлиши эмас, балки ҳамманинг бир хил фикрлашидир", деган эди файласуфлардан бири. Фикр кўп бўлса, танлов имконияти ҳам кенг бўлади. Бу эса ўз навбатида жамият тараққиётини таъминлаиди", деган муаллиф мулоҳазасини, "...инсонга

ҳаёт бир марта берилади. Сиз ўзингизни "саводли" ҳисоблаган ҳолда яшаб ўтишингиз ёки аслига ҳам саводли бўлиши мумкин. Танланг! деган хитоб билан тутагади.

Аслига ҳам саводли бўлишини истаганлар кўп китоб ва яна "Ёш куч"ни қолдирмай ўқиб бориши, ниятларига бирмунча эришган бўларидар. Мазкур сонга улар учун катта-кичик муаммо, ҳаётий кўриниш, қизиқшилар гунёсини акс этитирувчи "Боғчада нима единг, болам?" (З. Азизова, А. Ҳайт), "Абдуллоҳ ибн Муборак" (М.А. Жўшан), У. Абдуваҳобнинг "Кўёшим, чиқармисан?" туркум шеърлари, Ясунари Кавабата ҳикоялари, "Руслан Шариповнинг энг катта хатоси" (Ф. Палтаева), "Эркак-

нинг "иккинчи юраги" (Ў.М. Мурод), "Үйқу – лаззат ва муваффақият ёки азоб ва фожея" (С. Назаров), "Орик, се-миз саиёҳлар" (Х. Тўхтабоев), "Йўқотилган 13 кун" (С. Илёсов), "Номини яширган келин ҳикояси" (Р. Шомансур қизи), "SMEPSH" КГБнинг қотил жосуси" каби материяллар берилган.

"Синфдош" нинг 2-сонига ҳар галгидек, самимият уфуриб турувчи мактубларга кенг ўрин ажратилган. "Рейтингиз сизни қониқтирадими?" саҳифасига ўқитишининг янги усули юзасидан Тошкент шаҳридаги 274-мактаб ўқитувчилари ва ўқитувчиларининг самимий фикрлари берилган.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманинг 16-мактаб 7-“A” ва 7-“B” син-

ўкувчиларининг "Осмонга қарасам...", "Ўқишига кириш учун..." "Ўзбек бойиси..." ва бошқа қизиқарли мавзулардаги эркин иншио-фикрлари барча синфдошларни бефарқ, қолдирмайди.

"Машхур кишиларнинг фарзандлари" саҳифасига актёр Фарҳод Абдулаевнинг фарзандлари оталари ҳақиқага рост гапларни самимий изҳор этгандар.

Ҳаммани гапиритираётган "Синфдош" Саид Аҳмад бобони ҳам гурунгта тортган. Машхур ёзувчи болалик, ёшлик давларини эслаб, улардан хулоса чиқариб, ўтил-қиз набираларига эзгу тилаклар билдирган.

"Мактабда муҳаббат" саҳифасига ёш юракларнинг энг яқинларига айтмагандаги сирлари, ҳайратлари акс этган.

Шунингдек, қизиқарли саволлар, суратлар, шахмат масаласи, инглизча кросворд ҳам "Синфдош"лар сафиининг кенгайшига хизмат қилиши, шубҳасиз.

Хусан НИШОНов

Teran tomirlar

ГЎРЎГЛИ ВА ХИЗР БОБО МОЖАРОСИ

Мифологик образлардан маълум мақсадларда ижодий фойдаланиш деяри барча ҳалқлар суз санъатига хос хусусиятлардан бўлиб, бу ҳалқнинг донишмандлиги ва буюк санъаткорлигидан далолатдир.

Достонларда илоҳий кучлар (мифологик образлар) нинг иштирок этиши асарнинг романтик колоритини ошириб қолмай, унинг реалистик моҳиятига ҳам муовифиқлашади, муайян тарихий шароитнинг алабий эстетик ва ижтимоий-фалсафий масалаларини ёритишга хизмат қиласди. Бундай асарлар, сермўжиза ва фавқулодда воқеа-ҳодисаларга бой бўлиб, уларда шартлилек мөъридан ортади, беҳад мураккаб тутун кўпинча “сехрли ечим” билан ечилади, мушкул муаммолар ҳал бўлади. Лекин буларнинг ҳеч қайси бири уни ҳаётни заминидан, ҳалқнинг орзу-армонлари оламидан юироклаштирамайди.

Бу ҳодисани ҳалқ орасида кенг тарқалган ва шуҳрат топган “Гўрўғли” туркum достонлари, алалхусус, “Гўрўгининг тугилиши ва болалиги” асари мисолида ҳам кузатни мумкин.

Мазкур достонда бўлажак ҳалқ қаҳрамонининг гайритабиий раввишда ўлик онадан гўрда тугилиши ҳамда Хизр алайхиссалом ва чилтонлар билан бўлган учрашувни акс ётирувчи лавҳалар айниқса, таъсиранан ва завқлидир.

Гап шундаки, Гўрўгининг келажак тақдиди — тенгизи баҳодир сифатида шуҳрат қозониб, Чамбил юртингинада ҳамдада Ҳизр алайхиссалом ва чилтонлар билан бўлган учрашувни акс ётирувчи лавҳалар айниқса, таъсиранан ва завқлидир.

Гўрўгининг болалик даврини акс ётирувчи лавҳаларда уч асосий образ, Гўрўғли, от ва Ҳизр бобо иштирок этадилар. Воқеалар тутуни Фиротнинг гойиб бўлишидан бошланади. Гўрўгининг Ҳизр бобо билан тўқнашуви эса асарнинг энг қизиқарли ва драматик ҳолат-

ларга бой ўрнидир.

Достонда Гурўғли ва “бобо” ўртасида бўлаётган от можароси шу қадар ҳаётий ва шу қадар сода ва инни пайтда ҳалқона мутойиба билан йўғрилган ҳолда акс ётирилганки, воқеалар худди кўз олдимида аниқ руй берәёттандек таассурот қолдиради. Шу билан бирга “үгри бобо”га ҳақиқатни уқтира олмай куйиб-пишаётган ёш усмиринг болаларча соддалиги, дангалиги, қаҳрамонона хусусиятлари ҳам очила боради. Достонда қаҳрамоннинг ички кечинмалари теран ва ишонарли тасвирланиши билан китобхоннинг (ёки тингловчининг) шууригагина эмас, балки унинг қалбига ҳам таъсири этишига ёришилган. Фикримизнинг далили сифатида кўйидаги лавҳага ётибор берайлек:

“Бобой Гўрўлибекка: — Ҳа, ҳали ҳам отга кашалсанми. Энди кета бер. Барбири сенга энди от йўқ, — деди. Гўрўлибек жуда майос бўлиб ялтилаб, гоҳ Фиротга, гоҳ чол бобога қарай берди. Кейин бобой Гўрўлибекка: - Ҳай бўлмаса, жуда шу отни менини дёйбердинг. Энди менинг билан қозига юр, қози отни кимга ҳукм қиласа, отни уша олсин, — деб Фиротни етаклаб, бир камарга бурила берди. Гўрўлибек кўнглида: - “шу яқинда қозихона ҳам бор экан”, -деб чол бобойнинг орқасидан ёргашиб кета берди”.

Ёш боланинг яхши кўрган нарсасини қўлидан тортиб олганда унинг қандай аҳволга тушишини ҳеч кузатганимисиз? Дунё атальмиш сир-синоатли бу ҳаётда шафқатсизлик, адолатсизлик деган нарсалар борлигини ҳали англаб етмаган, маъсум гўлдак бундай ҳолатда ўзининг қўлдан кетган нарсасига аянчли бир тарзда мўлтираб, ялтилаб (ялт этиб эмас) қарайди, жовдираб тўрт томондан нажот кутади. “Гўрўгининг жуда маъюс бўлиб ялтилаб, гоҳ Фиротга, гоҳ бобога қарай бериши” ҳам худди шу ҳолатни кўз олдимида яққол гавдалантиради. Бу ҳол болага ачиниш туйгуларини ўйготиб, асарда ҳазин бир руҳни вужудга келтиради, ўкувчи қалбини тўлқинлантиради. “Шу яқинда қозихона ҳам бор экан” деб бобонинг орқасидан болаларча соддалик билан ёргашиб кетиши эса кишида беихтиёр ёнгил кулгу тудиради.

Ҳалқ мутойибани севади. У кулдира туриб ўиглатгани каби, ўиглатиб кулдирали ҳам.

Бўлажак қаҳрамон шу қадар соддадилки, кимсасиз тоғлар орасида қозихона борлигига ҳам ишонади. Зоро, ишонувчанлик ва соддадиллик покдил кишиларнинг,

айниқса, ҳалқ қаҳрамонларининг асосий хусусиятларидан биридир. Бу ҳолат ортиқча тафсилотларсиз, жимжимадор бўёкларсиз ҳалқ ижодига хос бўлган сода ва лунда жумлаларда табиий акс ётирилган.

Достонларда, умуман, ҳалқ ижодига мансуб бўлган эпик асарларда (аслида ҳаётда ҳам) тасвирланган қаҳрамонлар ҳеч қаҷон уз-узидан тенгсиз баҳодир ёки ҳалқ йўлбошчиси булиб қолмайди. Албатта, уларнинг устози, пири, илоҳий кучлардан мададкори бўлади. Алломишишнинг пири Ҳазрат Али Шоймардон, Манаснинг ҳомийси Ҳазрати Ҳизр, Юсуф ва Аҳмаднинг пири Оловхужа Эшон бўлгани каби. Бу ҳолат деярли барча ҳалқларнинг эпосига хос анъанавий бир усул бўлиб, у асардаги гоявий ёстетик муддаони ёритишига, қаҳрамонлар характерини тасвирлаштириш ва ҳикоявий-романтик тасвирини кучайтириша хизмат қиласди. Биз бундай ҳодисаларни, яъни асар қаҳрамонлари фаолиятига илоҳий кучларнинг аралашувини ҳалқ тафаккурининг, чексиз хаётининг маҳсул уларо юзага келган бадиий тўқима сифатида баҳолаймиз. Лекин аслида мана шу чуқур хаётот (фантазия) замирида улкан бир ҳаётий ҳақиқат ётгани ҳам аниқ. Ҳалқ орасида “Ҳақ қўлласа бало йўқ, ҳақ каргаса даво йўқ”, “Ёлғизнинг ёри худо” қабилидаги ҳикматли сўзлар кенг тарқалган. Табиийки, бу ҳикматлар ҳалқнинг минг йиллар давомида ҳаётий тажрибаларида синалиб, турмушда қайта-қайта уз тасдигини топиб вужудга келган. Бинобарин, Гўрўғли ва Алломишиш сингари марду майдонларнинг ҳақиқати ва адолат, юрт озодиги ва осоишишлаги учун олиб борган тенгиз курашлардаги галабаларининг сири ҳам уларни ҳар нафасда ҳақнинг ўзи қўллаб турганида, чексиз куч-кудрат ато этганида, илоҳий кучларнинг мададкор бўлганида деб айтсан ҳеч муболага бўлмас.

Қиссадан ҳисса шуки, Гўрўгининг адолат ва эзгулик йўлидаги дастлабки уринишлари Ҳизр бобо билан бўлган можароли олишувдан бошланган эди. Ажабки, бу олишув одатдагидек яхшилик ва ёмонлик, эзгулик ва ёзулик кучлари топиб ўргасида содир бўлади. Бу олишувда Ҳизр бобо бўлажак қаҳрамонга сергала ва дунёда адолатсизликлар, ҳақисизликлар, ёзуликлар кўп булишини эслатиб, уларга қарши қандай курашиши кераклиги намунасини ўргатиб кетган бўлса, ажаб эмас.

**Зиёда МАШАРИПОВА,
Низомий номидаги ТДПУ
катта ўқитувчиси**

Адабиёт ўқитувчиси сифатида кўп орзуарим бор эди: ўкувчиларим шеърхон бўлиб, баҳру байтлар ўтказса, китобхон бўлиб ўқиган китоблари сони юздан ошса, ўз фикрини равон ифодалай олса, мен билан баробар баҳслаша олса, ижодкор бўлиб, матбуоту ўз ижоди билан қатнаша олса.

Бу мақсад йўлида, дарсда “Шеърий лаҳзалар” ўтказа бошладим.

Ўкувчиларим дарсдан ташкари шеърлар ёдлай бошладилар. Аввалига “Шеърий лаҳзалар” да икки-уч ўкувчи қатнашган бўлса, ийл охирига келиб, ўн-ўн беш ўкувчи ҳар бир дарсга шеър тайёрлаб кела бошлади. Аста-секин янги адабиётларни ўқиб, сара, бадиий жиҳатдан мукаммал шеърлар танлашга ўргата бошладим. Чунки, дуч келган шеърни ёдлаш ўкувчининг дидини ўтмас килиб ўқиши мумкин.

Албатта, шеърни муаллифдан тинглаш ўзгача рух баҳш этади. Шунинг учун “Шоира дарс ўтади” номли дарс ташкил этиб, ойда икки марта шоир ва ўкувчиларни дарсга таклиф этдим. Жумладан, шоиралар, Кутлибека Рахимбоева, Нодира Рашидова, Қавсар Турдиева, Замира Эгамбердиева, шоир Азим Суюн, Салим Ашурлар дарс ўтганларида, мушоира бўлганда ўкувчилар уч соатлаб уларни дарсдан чиқармадилар. Ўкувчиларим Кудус Муҳаммадий уйларига борганимизни ҳамон эслайдилар. Бундан уч йил аввал адабиёт чуқур ўргатиладиган 9-“А” синф қизлари билан севимли шоиримиз хона-донларида меҳмон бўлдик.

Лофи йўқ, шоир бизга бир соатдан ортиқ тўхталмай шеър ёд айтиб берди. “Чумолижон, чумоли”, “Дум ҳақида шеър”, “Ўкувчига эсдали” шеърларни қайта-қайта ўқишиларни илтимос қўлдик. Завқ билан, ўзгача оҳанг билан ўқирдилар.

Ҳамон ўша учрашувни қизлар меҳр билан эслайдилар. Кудус бобомиз бизни ёнғоқ, ҳолва, Кўктерақдан келтирилган сутқатиқлар билан сийладилар. Да-стхатлари битилган китобларидан совға қўлдилар.

Эндири орзум ўкувчиларимни китобхон қилиш эди. Шу ўринда таъкидлаб ўтмоқчиман, шу кунда ҳам энг арzon нарса китоб. Истаган китоб дўконингизга киринг, 5-10 сўмга ҳам китоб бор. Бундан 2 йил аввал Омон Мухторнинг “Минг бир киёфа” китоби 10 сўм экан. Ҳеч ўйламай 30 та олдим. Китоб талаш, яна олиб келдик. Газета-журнал сотиш шахобчаларида “Жаҳон адабиёти”, “Шарқ юлдузи” сотиляпти. Бир одамга сотиб олиш оғирлик

маган пулни қизғанмайдилар. Фақат ташвиқот керак. Ўқитувчининг ўзи мустақил мутолаага берилган бўлмоғи, керакли китобни “реклама” қила билмоғи ло-зим.

Аста-секин ўкувчиларим оғзаки фикрларини қоғозга тушира бошлашади. Азиза Маҳмудова, Севара Исоқжонова, Сурайё Шобоева, Дурдана Охунжонова, Отабек Абдуллаев, Сурайё Имомова-лар газеталарнинг фаол қатнашчиларига айландилар. Бир неча бор ижодкор ўкувчиларнинг Республика анжуманларида иштирок этиши.

Мана бир неча йилки, Ўзбекистон радиосининг “Келажак тонги” эшиттиришида ўндан ортиқ ўкувчиларим танловларда қатна-

дан бирор нарса талаб қилиш мумкинми? Ўқитувчининг вазифаси ўқитиши эмасми?

Ўқув йили бошида тажриба синфи бўлган 9-“Б” га (фақат ўғил болалар ўқийдиган синф) йил давомида ўрганиладиган асарлар рўйхатини ёдирдим. Ота-оналар ёрдами билан сотувда бўлган китоблар: “Алломишиш”, “Ўтган кунлар”, “Улуғбек хазинаси”, “Кечава кундуз” (ХХ аср адабиётидан), Навоий асарлари изоҳли луғати, Навоий, Бобур газаллари тўпламлари (мумтоз адабиётдан), “Шоҳнома” кабиларни, Альбер Камюнинг “Бегона” асарини сотиб олдик. Бу китобларнинг ҳар бири

“Эдип” асарлари устида қизғин баҳслар бўлди.

Биргина мисол келтирай. Болалар Одил Ёқубов ҳақида “Шарқ юлдузи” журналида бошлигандан П. Қодиров, Ш. Бўтаев, С. Ўнарнинг мақолаларини топиб ўқиб келдилар. “Улуғбек хазинаси” романини Хуршид Давроннинг “Соҳибқирон набираси”, Мақсуд Шайхзоданинг “Мирзо Улуғбек” фожеаси билан таққослаб ўқиб, ўхшаш ва фарқли томонларини аникладилар. Абдулатифнинг падаркуш бўлишига Қодир Юнусов Улуғбекнинг икки ўғлини тенг кўрмаслиги сабаб деса, Лутфулла Истроилов бувиси Гавҳаршодбегим тарбияси сабаб, деди. Миразиз Миробидов эса Улуғбекнинг тоҳ-таҳти вактида ўғлига топширмагани сабаб, деди. Ботир Носиров Улуғбекни оқлаб, тоҳ-таҳти тақдирини, ҳалқ тақдирини Абдулатифга ўҳшаган жоҳиллар кўлига топшириб бўлмасди, ҳар не бўлганда ҳам Абдулатиф ота хурматини сақлаши лозим эди. Ахир, ота ўтирган уйнинг томига ҳам қиқимайди-ку, деба Фикр билдири. Ҳуллас, дарслар қолипдан чиқди. Фақат ўқитувчининг фикри ҳақ, деган тушунча йўқолди. Ўқувчи режиссёрга, актёрга, қаҳрамонга айланди. Дарсга ҳам “Тафаккур куллиги”, фикр қарамлигидан озод бўлиб мустақил фикрлайман” сўзлари шиор қилиб олинди.

Зоро, “Таълим тўғрисида”-ги Конун ва “Қадрлар тайёрлаш Миллий дастури” ҳам комил, мустақил фикрловчи ёшлар тайёрлаш масаласини ўз олдига кўйган.

**Махмуда ВАЛИЕВА
Юнусобод туманидаги
274-мактабнинг олий
тоифадаги она тили ва
адабиёти ўқитувчisi**

ЎҚИТМАЙЛИК, ЎҚИШГА ЎРГАТАЙЛИК

қилар. Аммо бир синfdаги 25-30 ўкувчигачи? 5-10 сўмдан пул йиғиб, ҳар ойда журнallар сотиб ола бошладик. Синfdимиз ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Ёзувчи” газеталарига, “Жаҳон адабиёти” журналини сотиб олдилар. Ҳар бир ўкувчи чекига тушган навбат билан журнallни уйида ўқиб келаяпти. Шундай обрўли журнallинг адабини кўриб хафа бўлиб кетаман. Мамлакатимизда минглаб мактаблар, ўн минглаб синfdлар бор. Ахир, ҳар бир синfd биттадан журнalgaga эга бўлса ҳам журнallаримиз адади 50 мингдан ошмасми? Ўкувчилар арзи-

шиб, ўз иншоларини ўқиб берадилар. 1998/99 ўку

ИЗХОР ЭТИЛГАН ҲАЙРАТЛАР

Ўзбек түйни яхши күради.

Халқимизнинг йигин-маросимлари, анжумлари ҳам түйдай үтади. Паркент тұманида уюштирилган ижодкор үқитувчилар ның навбатдаги тұққизинчи аңанавий анжумани ҳам шундай күтаринки кайфиятда бўлиб үтди. Унда иштирок этган ҳар бир үқитувчи ўзини кўрсатишига, иктидорини намоён этиши муаллимларга хос синчковлик ва ўзбекларга хос андишалик билан ҳарарат қилишиди.

Анжуман иштирокчилари ва меҳмонлари Ҳисоракдаги Ўзбекистон Фанлар Академияси "Физика-Куёш" илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг материалшунослик институти жойлашган сўлим масканга етиб келдилар. Анжуман бошланиши олдидан мазкур институтнинг лаборатория мудири Рашулжон Акбаров қўёш нурини йиғувчи ойнап мажмуи томошасида уларнинг вазифаси, институтда амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўзлаб берди.

Ушбу бирлашма мажлислар залида бўлиб ўтган анжуманнинг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазири Жўра Йўлдошев анжуман иштирокчиларини кутлаб, адабиётнинг ҳаётдаги, мактабдаги, болалар тарбиясидаги ўрни ҳақида сўзлар экан, жумладан, шундай деди:

— Ижодкорлик — мактабнинг, таълиминг ўнгланишида ҳаракатлантирувчи куч. Куш уясида кўрганини килади. Мактаб ҳам иккичи уя. Ижодкор үқитувчининг шахс орқали шахсни тарбиялаш, муаллим обрўсини кўтаришда ўрни бекиёс.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раисининг биринчи ўринбосари, шоир Йўлдош Сулеймон адабиётсеварларнинг сафи янада кенгайиши тилагини билдириб, үқитувчи ижодкорларнинг бир қанчаси ёзувчилар

уюшмасига қабул қилингандарини, бу албатта, жиддий иш эканлигини айтди.

Шундан сўнг шўйбаларга бўлинган ҳолда мушоира, мунозаралар давом этди. Шоирлар Икром Отамурод, Рустам Мусулмон, Сафар Барноев шеър ёзувчи муаллимлар, ёзувчи Нодир Норматов насрый машқлар, шоир Паймон тожик тилида ижод қилувчилар, шоир ва таржимон Музаффар Аҳмад туркман, қозоқ ва қорақалпоқ тилида ижод қилувчилар билан иш олиб бордилар.

Энг қизгин давра анжуман қатнашчилари нинг саксон фоизини ўзида жамлаган шеърият шўйбаси давраси бўлди.

Ижодкорга аудитория керак. Топган ҳайратларини изҳор этиш давомли завқ бағишлийди. Муаллимлар ушбу даврада кўплаб шеърлар ўқидилар.

Мамараҳим Кўчкоров, Манзура Тўраева, Жамшид Ҳақберди, Бегали Мўминов шеърлари кисқа ва лўнда, пишган сатрлари билан ажralиб турди. Буни табиий усул — қарсаклар билан баҳолаш ҳам кўрсатиб берди.

"Кумушкон" дам олиш зонасида бўлиб ўтган анжуманнинг якунловчи қисмида ижодкор муаллимлар бир пиёла чой устида мушоираларни давом эттиридилар. Халқ таълими вазирининг биринчи ўринбосари Йўлдош Саиджонов анжуман қатнашчиларига ижодий мувафқиятлар тилаб, уларга ҳалқ таълими вазирининг ташаккурномалари ҳамда эсдалик совғаларини топширди.

Бу ерга гўзалликни, адабиётни, шеърни севувчилар ташриф буюргани қайтишда ҳам билинди. Автобусдаги ўзига хос завқ бахш этувчи мушоира Тошкентга етиб келгунча тўхтамади ва у үқитувчилар билан бирга бутун Республикашимизга тарқаб кетди.

Куйида ижодкор үқитувчилар анжуманида ўқилган шеърлардан намуналар берилмоқда.



СОЧИННИ СИЛАСАМ СУКУТНИНГ

КУТИШ

Кутдим,
Кўзларимга кўмилиб кутдим.
Қароғимга юлдузлар чўкиб,
Минг оҳ ютиб, минг гуноҳ тўкиб,
Кутдим. Кутавердим жим...

Ёлғизлик чархидан эланиб,
Зардоб — кўз ёшимга беланиб,
Хазонрез севгимга тиланиб,
Кутдим. Кута олдим, бас.
Оғусоз бир оғу олиб кел,
Кутмоқлик жомига солиб кел,
Эй сабр, голиб кел, голиб кел,
Мен кутиб ўтайин дунёдан.

Кутдим. Кутавердим. Кута олдим, бас!
Юракка қийноқни қон қилиб кутдим,
Изисиз йўлларнинг жон илиб кутдим,
Барибир келмасдинг, мен билиб кутдим.
Кутдим. Кутавердим. Кута олдим, бас...

Кутдим, сирларимни сиқиб қурилдим,
Ғамбода тунларнинг кўлидан тутдим,
Сарғайсан сабрлар, қаҳрлар ютдим,
Кутдим. Кутавердим. Кута олдим бас.

Қалбимни поёндоз қилиб йўлингга,
Бевафо дунёни айладим алас.

Бегали МўМИНОВ,
Шаҳрихон шаҳридаги
10-мактаб ўқитувчиси

* * *

Кўнгил боғчасида ардоқланган гул,
Наҳотки сўлиди,
Наҳотки хазон?!
Дилнинг дили Сизни кўмсаган чоғда,
Қайларда юрибсиз, кўзлардин ниҳон?!

Кўнгил боғчасида авайланган гул,
Наҳотки сўлиди, наҳотки хазон...
Кишининг аёзлари кучса ҳам мени
Сизнинг хаёлинингиз иситар ҳамон!

Башорат БУЗРУКОВА,
Чироқчи туманидаги 54-мактаб ўқитувчиси

* * *

Бутун борлиқ тилсимварини,
Англамоққа ошиқар юрак.
Нега мунча маъюс мажнунтол,
Нега мунча титрайди терак?

Саволлардир — чексиз коинот,
Тилсимварга кўмилган ҳаёт.

Нажот истар гўё одамзод,
Халоскори ёлғиз муҳаббат!

Ҳар нарсага қўйсанг эътиқод,
Кўринади жозибалари.
Ҳаттоғамдан топарсан лаззат,
Муҳаббат-ла гўзалдир бари...

Неъмат КАТТАБЕК,
Зарбдор туманидаги 19-мактаб ўқитувчisi

АТИРГУЛ

Атиргул, пойингта тўклиганд
Согинчлар япроқдек сўлмайди.
Тақдирнинг ҳукми ҳам ўқилган,
Мен сени севмасам бўлмайди.

Ҳасратлар чекмасам бир дунё,
Ўқсиниб ўтмасам ҳисобмас.
Азоблар тиф тортиб бўйнимга
Жонимга қилсалар суқасд.

Ёнимдан жилмаса ёлғизлик,
Сочинни силасам сукунтинг.
Гўзаллар келсалар қошиминга,
Десалар, сиз бизни унутинг.

Унутсам, йигласам ичикиб,
Атиргул, бир сендан кечмасам.
Бир лаҳза яшашим даргумон
Лабингдан гулоблар ичмасам.

Фалакни тўлдирса изтироб,
Юрақда битта иши қолса тул.
Тақдирнинг ёзиги шу... факат,
Сен севиб кўймагин, Атиргул,
Сен севиб кўймагин, Атиргул.

Жамшид ҲАҚБЕРДИ,
Китоб туманидаги 44-мактаб ўқитувчisi

ЎҒЛИМГА

Ўтаверсин сенинг ёнингдан
Бу дунёнинг жами ҳилқати.
Менинг ёлғиз мўъжизам ўзинг,
Сен умримнинг чин саодати.

Эркалигинг бошим устига,
Жоним садқа табассуминга.
Подшоҳсан — амринг мустажоб,
Тиз чўқади дунё пойингга.

Соҳиба НУРИДДИНОВА,
Учкўпrik туманидаги 1-максус мактаб-
интернат ўқитувчisi

ПУШЛАРИМДА КИРАР ШЕЪРИЯ...

Дўстлар, мен Пушкиннинг ёшига етдим,
Кўп қофоз-қаламнинг бошига етдим.
Кўнглимда шоирлик энг эзгу ният,
Тушларимга кириб чиқар шеърият...



Бодом гулламоқда — ойдин бир хаёл,
Табиат гўёки бокира аёл.
Хаётимнинг ўттиз етти баҳори,
Севгимдан куй чалар қалбимнинг тори.

Мен багримни очдим — кўм-кўк тоғларга,
Зумрад водийларга, сўлим боғларга.
Пушкиндеқ ҳайқириб шеър айтдим буткул,
Баҳор... шоир, дея тутди алвон гул.

Сойнинг сувларида аксимни кўрдим,
Сочимда оқ кўриб узоқ ўй сурдим.
Гўзал туйғулардан ариганим йўқ,
Жўралар, мен ҳали қариганим йўқ!

Шеромад ИСЛОМОВ,
Навбаҳор туманидаги 13-мактаб ўқитувчisi

БАЛИҚЧИ ЛОФЛАРИ

ШАМОЛ

— Кеча шундай шамол келди, беш йиллик теракларни учирив юборди. Минг йиллик чинорлар қўпилиб тушди, — деди қатортуллик лофчи.

— Сизлар томонда шамол бўлмабди, — деди бозорбошилик лофчи. — Мен далада трактор ҳайдаётгандим. Бирдан шамол турди, тракторни ташлаб уйга келдим. Қарасам, шамол мендан олдин тракторни учирив уйга ташлаб кетиди.

ДУМБА ЁФИ

— Хотиним бугун меҳмонга кўй ёғидан ош қилган эди, — деди бозорбошилик лофчи. — Бизга кўй ёғи дехқончиликдай гап. Ҳисори қўйим бор. Маккажўхорига бокаман, думбаси ёрилиб кетган. Шунга идиш қўйиб қўйғанман. Кунига 3-4 кг думба ёғи оламан.

Шунда қатортуллик лофчи деди:

— Менда ҳам сиз айтгандай беш-олти кўзи бор. Катта қўчкоримнинг ёғи ариқда оқиб ётиди...

Абдуғаффор ҚОСИМОВ,
Балиқчи туманидаги 50-мактаб ўқитувчisi

Саҳифани Ҳусан КАРВОНЛИ тайёрлади.

ФАРГОНА ВИЛОЯТИ ТАЪЛИМИ: ЎСИШГА ИМКОНИЯТ БОР...

Фаргона вилояти олий ва ўрта маҳсус билим юртларига абитуриентларни тайёрлашда ўзига хос хусусиятта зга бўлган худуд хисобланади. Вилоятда иккита олий ўқув юрти ва битта филиал (тибиёт институтининг филиали), 17 та ўрта маҳсус билим юрти ва 650 дан ортиқ мактаб мавжуд. Кўриниб турибдики, вилоят абитуриентларни тайёрлашда катта салоҳиятга эга.

Фаргона вилоятидан 1999 йилда 28491 абитуриент олий ўқув юртида ўқиши давом эттириш истагини билдириган. Улардан 13249 нафари олий ўқув юртларининг кундузги бўлимига, 8303 нафари ўрта маҳсус билим юртларига хужжат топширган.

Абитуриентларниң жавоблари самараадорлиги бўйича, Фаргона вилояти 1998 йилда 41.84% билан 8 ўринни эгаллаган бўлса, 1999 йилда 35.57% билан 7 ўринга тўғри келган. Демак, вилоят бу соҳада бироз олдинга силжишга эришган.

Фаргона вилоятидан 1999 йилда мактабни тутгатган ўкувчиларнинг тестда иштирок этиши ўрганилди. Фаргона, Ўзбекистон, Дангарга, Фурқат туманларида ўқиш истагини билдириган ёшлар сони кўп бўлган. Лекин Сўх, Бувайдага туманларидан ўқишига киравчилар сони камлиги кўринади. Вилоят бўйича маълумот кўйида келтирилган:

Вилоят туман ва шаҳарлари бўйича 1999 йил мактабларни тутгатиб тест синовларида қатнашганлар кўрсаткичлари (олий ва ўрта маҳсус ўқув юртлари, ўзбек гурухлари)

1-жадвал

| Туман номи | Тутгатганлар сони | Тестда қатнашганлар | Қатнашиш фойзи |
|----------------------|-------------------|---------------------|----------------|
| 1 Фаргона тумани | 1659 | 929 | 56.00 |
| 2 Ўзбекистон тумани | 1839 | 1009 | 54.87 |
| 3 Дангарга тумани | 1391 | 743 | 53.41 |
| 4 Фурқат тумани | 1083 | 571 | 52.72 |
| 5 Бағдод тумани | 1497 | 742 | 49.57 |
| 6 Охунбообоев тумани | 1345 | 665 | 49.44 |
| 7 Тошлок тумани | 997 | 486 | 48.75 |
| 8 Учқўприк тумани | 1499 | 713 | 47.57 |
| 9 Ёзёвон тумани | 618 | 291 | 47.09 |
| 10 Олтиариқ тумани | 1664 | 716 | 43.03 |
| 11 Куба тумани | 1949 | 797 | 40.89 |
| 12 Бешарик тумани | 2069 | 846 | 40.89 |
| 13 Қирғули тумани | 336 | 133 | 39.58 |
| 14 Риштон тумани | 2063 | 816 | 39.55 |
| 15 Бувайдага тумани | 1803 | 603 | 33.44 |
| 16 Сўх тумани | 790 | 90 | 11.39 |

Фаргона вилояти бўйича абитуриентларнинг фанлар бўйича самараадорлиги 1998 йилга таққослаб ўрганилди. Бунда 3 фандан (математика, физика, инглиз тили) ўсиш ва учта фандан пасайиш (биология, кимё, немис тили) содир бўлган. Вилоят бўйича маълумот кўйида келтирилган:

Фаргона вилояти абитуриентларининг фанлар бўйича жавоблар самараадорлиги кўрсаткичлари асосида тутган ўрни (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гурухлари)

2-жадвал

| Фан номи | 1998 йил | | 1999 йил | | Рейтинги |
|---------------------|---------------|------|---------------|------|------------|
| | самара-дорлик | ўрин | самара-дорлик | ўрин | |
| Она тили ва адабиёт | 41.99 | 4 | 33.45 | 4 | Ўзгармаган |
| Математика | 37.68 | 12 | 33.31 | 11 | Ўсган |
| Физика | 28.22 | 12 | 27.55 | 11 | Ўсган |
| Биология | 49.37 | 9 | 37.87 | 10 | Пасайган |
| Химия | 40.66 | 7 | 37.29 | 8 | Пасайган |
| Тарих | 54.47 | 4 | 41.02 | 4 | Ўзгармаган |
| География | 44.34 | 5 | 45.32 | 5 | Ўзгармаган |
| Инглиз тили | 41.15 | 9 | 38.85 | 6 | Ўсган |
| Немис тили | 28.98 | 6 | 28.84 | 7 | Пасайган |
| Француз тили | 38.82 | 8 | 32.21 | 8 | Ўзгармаган |

Фаргона вилоятининг Ўзбекистон тумани 41.78% самараадорлик билан республикада биринчи ўринни эгаллаган. Бувайдага тумани она тили ва адабиёт, физика, тарих бўйича, Фурқат тумани биология бўйича вилоятда юқори ўринни эгаллаганлар. Лекин республикадаги илгор туманлардан орқада колишган. Демак, вилоятда бу борада жиддийроқ иш олиб бориш керак. Вилоятнинг илгор туманлари бўйича маълумот кўйида келтирилган:

Фанлар бўйича жавоблар самараадорлигининг энг юқори кўрсаткичларининг вилоят ва республика миқёсида таққосланиши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гурухлари)

| Фан номи | Вилоят кўрсаткичлари | | | Республика кўрсаткичлари | | |
|---------------------|----------------------|-----------|------------|--------------------------|----------------|-----------|
| | Туман ёки шаҳар | Катнашган | Самара-дор | Туман ёки шаҳар | Вилоят | Катнашган |
| Она тили ва адабиёт | Бувайдага тумани | 574 | 38.01 | Шахрисабз шаҳ. | Кашқадарё вил. | 271 |
| Математика | Кўкон шаҳри | 144 | 44.89 | Хазорасп тумани | Хоразм вил. | 100 |
| Физика | Бувайдага тумани | 87 | 33.33 | Усмон Юсупов тумани | Кашқадарё вил. | 65 |
| Биология | Фурқат тумани | 148 | 45.03 | Янгиарқ тумани | Хоразм вил. | 124 |
| Химия | Учқўприк тумани | 90 | 46.51 | Пешку тумани | Бухоро вил. | 97 |
| Тарих | Бувайдага тумани | 262 | 47.44 | Бухоро шаҳри | Бухоро вил. | 441 |
| Инглиз тили | Фаргона шаҳри | 296 | 46.79 | Хонқа тумани | Хоразм вил. | 130 |
| Немис тили | Ўзбекистон тумани | 143 | 41.78 | Ўзбекистон тумани | Фаргона вил. | 143 |
| Француз тили | Дангарга тумани | 91 | 30.13 | Булунгур тумани | Самарқанд вил. | 153 |

Вилоятнинг тестда энг паст самараадорликка эришган туманлари ўрганилди ва улар республиканинг шундай туманларига таққосланди. Тест натижасида вилоятнинг паст самараадорликка эришган туманлари республика-нинг паст кўрсаткичли туманларидан 1-6% гача юқори-роқ бўлган. Лекин бу хотиржамлика асос бўла олмайди. Мазкур туманлар ҳақидаги маълумот кўйида келтирилган:

Фанлар бўйича жавоблар самараадорлигининг энг паст кўрсаткичларининг вилоят ва республика миқёсида таққосланиши (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гурухлари)

4-жадвал

| Фан номи | Вилоят кўрсаткичлари | | | Республика кўрсаткичлари | | |
|---------------------|----------------------|-----------|------------|--------------------------|----------------------|-----------|
| | Туман ёки шаҳар | Катнашган | Самара-дор | Туман ёки шаҳар | Вилоят | Катнашган |
| Она тили ва адабиёт | Сўх тумани | 75 | 29.07 | Нукус тумани | Коракалпогистон Рес. | 83 |
| Математика | Ўзбекистон тум. | 342 | 30.63 | Сирдарё тумани | Сирдарё вил. | 66 |
| Физика | Олтиариқ тумани | 107 | 24.71 | Термиз шаҳри | Сурхондарё вил. | 57 |
| Биология | Фаргона шаҳри | 186 | 32.93 | Амударё тумани | Коракалпогистон Рес. | 221 |
| Химия | Охунбоев т-ни | 120 | 30.63 | Шеробод тумани | Сурхондарё тумани | 52 |
| Тарих | Куба тумани | 293 | 36.61 | Амударё тумани | Коракалпогистон Рес. | 348 |
| Инглиз тили | Фаргона тумани | 193 | 32.60 | Олтинсой тумани | Сурхондарё вил. | 146 |
| Немис тили | Фаргона тумани | 65 | 23.93 | Термиз шаҳри | Сурхондарё вил. | 71 |
| Француз тили | Фаргона вил. | 29 | 24.71 | Тўракўр-ғон т-ни | Наманганд вил. | 51 |

Фаргона вилоятининг туман ва шаҳарлар бўйича абитуриентлар жавоблар самараадорлигининг 1998 йилга нисбатан ўсиши кузатилди. Бунда Кўкон шаҳрининг абитуриентлари физика, кимё, инглиз тилидан, Ёзевон туманинг инглиз тили ва математикадан, Бағдод туманинг немис тилидан юқори кўрсаткичга эришган. Вилоят туманларида бу соҳадаги ўсиш 16.33% дан 41.66% гача бўлган. Абитуриентлар жавоблар самараадорлигидаги ўсиш кўйида келтирилган:

Фанлар бўйича вилоятлар туманлари миқёсида абитуриентлар жавоблар самараадорлиги ўсан туманлар рўйхати (олий ўқув юртларининг кундузги бўлимлари, ўзбек гурухлари)

5-жадвал

| Фан номи | Туман | 1998 қатн. | 1998 самар. | 1999 қатн. | 1999 самар. | Ўсиш (фоиз) |
| --- | --- | --- | --- | --- | --- | --- |

<tbl_r cells

— Биласизми, Эннис, сизнинг елкан-гиздаги бу калла эмас, шунчаки ошқовок, деса ҳам булевради. Сизга нима бўлди узи — нахотки иррационал миқдор нималигини билмасанги?

Бетайин жавобдан синфдошларига нисбатан унинг кўнглида гимирлаган беписандлии баттар кучайди. Энди у бошқалар олдилда уялиб-нетиб ўтирас эди. Якшанба кунлари эрталаб, черков ёнидан утаётгич, ибодат қиласа туртганда тизилишиб, бошларини эшишиб, черковнинг эшиги олдилда итоаткор туришар, ичкаридаги ибодатни курмаётган ва эшиштаган булишса-да, узларини маросимда иштирок этаётгандай тутишарди. Уларнинг маъюс художўй қїёфалари ва сочларига суртишган арzon мойнинг кўнгилни айнитадиган хиди бу муқаддас жойдан унинг ихолсими қайтаради. У ҳам бошқалар қатори риёкорликка ўйл қўяр, бироқ авомнинг сoddадиллигига, шундай осонгина алданишига мутлақо ишонмасди.

Унинг ётадиган хонаси деворида унга коллеждаги Биби Марям бирлиги жамоасининг префекти¹ унвони берилгани ҳақидати четлари нақш билан безатилган ёрлиқ осигурилди. Шанба кунлари, жамоа аъзолари ибодат хизматини уташ учун черковга йигилишганда, у меҳробдан унг томондаги фахрли жойни эгаллар, мато қопланган кичкина ўриндиқа тизасини букиб, маросим пайти хорнинг узига тегиши қанотини бошқарди. Бу соҳта ҳолат унинг виждонини қийнамас эди. Баъзи дақиқаларда унинг фахрли ўриндан сакраб туриб, ҳамманинг олдилда риёкорлиги унун тавба-тазарру килиб, черковни ташлаб чиқиб кетгиси келар, бироқ теварагидаги одамларнинг юзларига бир қарашнинг узи қалбидаги бу галаённи босиш учун етари буларди. Оятлардаги образли башоратлар унинг бефойда мағрурлигига зеб берарди. Марямни шарафловчи баландпарвозда ҳамду санолар: хушбуй нардин, миро ва ладан — Биби Маряннинг илоҳий насл-насаби белгилари, кеч гуллайдиган дараҳт ва кеч очилган гул — асрлар оша унинг улуғворлигини одамларга сингдириб келган тимсоллар Стивеннинг қалбини асир этарди. Ва ибодат якунида Муқаддас битикин үқиши навбати унга етганда, Стивен уни бўғиқ овозда, сұзлар оҳангидан виждонини юпатиб, аллалётгандай бир маромда үқий бошларди:

"Quasi cedrus exaltata sum in Libanon et quasi cupressus in monte Sion. Quasi palma exaltata sum in Gades et quasi piantatione rosae in Jericho. Quosi uliva speciosa in campus et quasi platanus exaltata sum juxta aquam in plateis. Sicut cinnamomum et balsamum aromatisans odorem dedi et quasi myrrha elesta dedi suavitatem odoris".

Илоҳий сиймонинг ундан юз ўтиришига сабаб бўлган гуноҳ уни беихтиер жами гуноҳкорлар гамхурига яқин қилиб қўйди³. Биби Маряннинг кўзлари унга меҳр билан ювощ тикилиб турганда туюлар, нозиккина жуссасини чулғаган илоҳий ёғду нажот истаб узи томон талпинган гуноҳкорларни ҳечам таҳқирламасди. Агар қачондир унинг юрагида энди ҳеч қачон гуноҳга қўл урмайман, тавба қиласама деган холис истак уйғонган бўлса, бу, шубҳасиз, узини Биби Марям хизматига багишилаш истагидан эди. Агар қачондир унинг руҳи, танини жунбушга келтирган беҳаловат майлар босилгач, уят ва алам билан уз даргоҳига қайтиб ва унга томон — тимсоли "кук тоқидаги ёрқин, оҳанрабо, само сирларидан огоҳ этиб, оламга осойишталик багишиловига"⁴ тонг юлдузига талпинган бўлса, бундай лаҳзаларда Биби Маряннинг исми, ҳали бемаъни ва уят сұзлар ва танигатина роҳат улашган беандиша упичлар таъми аримаган лабларидан чиқар эди.

Бу, чиндан галати эди. Бундай ҳолатлар қандай юз беришини у узича тушунишга уринди. Бироқ синф хонасини қоплаган гира-шира коронгулик унинг фикрларини ҳам чулгади. Қўнғироқ чалинди. Үқитувчи топшириқ бериб, чиқиб кетди. Стивеннинг ёнида ўтирган Курон соҳта оҳонга хиргойи қилиди:

- Менинг дустим, гўзал Бомбадос⁵.
- Ташқарига чиқиб кетган Эннис, синфа кириб, янгиликни хабар қилиди:
- — Хизматкор келди, ректорни сураб.
- Стивеннинг орқасидаги бўйчан үкувчи қулларини бир-бирига ишқаб, деди:
- — Яшасин! Энди бир соат мазза қилиб лақиллашса булади. Соат икки яримгача қайтиб келмайди. Кейин сен унга катехизисдан⁶ савол берив, гапни айлантирасан, хупми Дедалус.
- Стивен кифтини партанинг суюнчигига ташлаб, ястаниб, қўлидаги қаламни дафтар устида паришенхотир юргизиб ўтирганча, сафсаталарга қулоқ солар, тутруқсиз гапсузларни Куроннинг ора-сира қичқирган овози бўлиб туради:
- — Секинроқ тапирангларчи! Шунақаям шовқин кўтарасизларим!
- Қизиқ, черковнинг қатъий ақидаларининг туб илдизларига, сирли томонларига назар ташлаш ва ўзининг' ана шу қоидаларга кўра қораланганини эшитиш, уни чукур ҳис этишига бўлган иштиёқи кунглига аллақандай қайтуга коришиган севинч улашиши ҳам Стивенга жуда галати туюларди. Авалиё Йъқубнинг битта муқаддас ўтигга зид иш қылган киши барча ўтиларни бузган, муқаддас ўтиларнинг ҳаммасига қарши гуноҳ қилган булади, деган ҳикмати унга, қалбининг қоронгу бурчакларига зеҳн солиб қарамагунча, баландпарвозда гапдай туюлди. Барча оғир гуноҳлар: манманлик ва бошқаларни назар-писандга олмаслик, пулга хирс қўйиш ва унинг восита-сида айш-ишратга қўл уриш имконига эга бўлиш, бузуқликда ўзидан омадлироқ кимсаларга ҳавас билан қараш ва яхши ҳулқли кишилар устидан иғво юритиши, очкўзлик, бетаъмиз ўй-хаёлларга берилиб, унингдай эҳтирос оловида ёниш, руҳан ва жисмонан қархатлик ботқогида ботиб, оқибатда вужудини наҳс босиб кетгани аслида биргина ахлоқсизликнинг бемаъни уругидан урчиган гу-

Жеймс Жойс

МУСАВВИРНИНГ ЁШЛИКДАГИ ШАМОЙИЛИ

Роман

ноҳлардир.

Купинча у партада, ректорнинг қатъиятли жиддий юзига хотиржам қараб ўтириб, ҳар хил тагдор саволларни ўйлаб топиб, шу билан вақтини чоғ қилар эди. Агар одам ёшлигига пул ўтиласса ва шу ўтирганнан ўтидан катта бойлик ортириган бўлса, гуноҳидан ҳалос бўлиши учун қанча қайтариши керак — ўтиргаган миқдордаги пулни фойиз биланни ёки жами йикъсан бойлигиними? Агар бирор-бир оддий одам айтиш лозим бўлган сўзларни айтмай чўқинтириса ва сув сачратса, гудакни чўқинтирилган, деб ҳисоблаш мумкинми? Минерал сув билан чўқинтирилса ҳам ҳисобга ўтадими? Нима учун биринчи ўтида мумин-қобил қишилар, бевабочорларга жаннат ваъда қилинади-ю, иккичи ўтида ер юзига ювощ, беозор бандалар ворис бўладилар дейилади? Илоҳий қовушиши маросимида ҳам нон, ҳам вино истеъмол қилинишининг боиси нимада, Исонинг вужуди ва кони, руҳи ва илоҳий моҳияти фақат нондами ёки фақат винодами? Исонинг вужуди ва қони табаррук қилинган нон ўшогида бус-бутунича мавжуд бўладими ёки қисман қушилган бўладими? Мабодо, табаррук қилингандан кейин вино айниб сиркага айланса, нон эса могор босиб, уваланиб қолса, шунда ҳам Исо илоҳи ва инсон сифатида уларда мавжуд булеврадими?

— Келаяти, келаяти!

Деразада пойлоқчиллик қилиб турған үкувчилардан бири ректорнинг бош бинодан чиққанини кўриб қичқирди. Катехизислар очилди ва болалар мук тушиб китоб үқишига киришдилар. Ректор кириб, минбарда ўз жойини эгаллади. Бўйчан үкувчи ректорга бирор-бир қийин савол бер, деган маънода сенинга Стивенни туртди.

Бироқ ректор одатдагидай катехизисни бериб туришни сўрамади ва дарсни ҳам суриштиримади. У қўлларини столга қўйиб, деди:

— Чоршанба куни биз авлиё Франциск Касверий шарафига багишиланган диний машгулоларимизни бошлаймиз, унинг хотрасига аталган байрам шанба куни бўлиб ўтади. Диний машгулолар чоршанбадан жумагача давом этади. Жума куни, кундузги

- ибодатдан кейин кечгача черковда тавба қилинади. Гуноҳини кечувчи ўзининг руҳониси бор үкувчиларга уларни алмаштири маслихни маслаҳат бераман. Шанба куни соат тўққизда ибодат ва бутун коллеж учун умумий илоҳий ковушиш маросими бўлади. Шанба куни машгулоллар йўқ. Шанба ва якшанба байрам, бирор бундан душанба ҳам бемалол экан, деган фикрга бормаслик керак. Бундай адашишларга йўл кўймайсизлар, деган умиддаман. Менимча, Дедалус, сиз кўпроқ адашиб қолишига мойилроқсиз.
- — Менми, сэр? Нега, сэр?
- Ректорнинг қаҳрли жилмайшидан синфа енгил кулиги кўтарилид. Стивеннинг юраги, сўлиган гулдай, секин жунжикиб, увиша бошлади.
- Ректор боягидай жиддий, қатъияти оҳангда давом этди:
- — Коллежимиз ҳомийиси авлиё Франциск Касверийнинг ҳаёти тарихини яхши биласизлар, деб ўйлайман. Авлиё Франциск қадим испан ургуларидан ва сизга маълумки, у авлиё Игнатийнинг энг тунгич шогирдларидан эди. Улар Парижда танишишган, уша пайтда Франциск Касверий университетда фалсафадан дарс берган. Бу олижаноб ёш задагон, олим, адаб коллежимизнинг буюк асосчиси таълимотини бутун қалби билан чукур ҳис этган ва албатта, хабарингиз бор, у ўз хоҳишига кура, авлиё Игнатий томонидан хиндларга Исо таълимотини ёйиш учун Ҳиндистонга жунатилган. Шу боисдан ҳам уни Ҳиндистон ҳаворийси, дейишиади. У бутун Шарқни кезиб чиқкан: Африкан Ҳиндистонга Исо таълимотини ёйишади. Унда "Таълим — аёллар аҳволини яхшилашнинг бош омили" дега эътироф этилди. Иштирокчи ҳукуматлар аёлларни жинсий камситилишининг ҳар қандай кўринишларини бартараф этишини кенгайтириш, дарслик ва ўкув қўлланмаларида аёлларнинг ижобий образини ҳамда аёллар ҳолатига доир тадқиқотлар материалларини намоён этиши юзасидан келишувга эришилар.

Ректор бир муддат жим қолди, кейин, бармоқларини чалиштирилган қўлларини сермаб, давом этди:

— У тогни ўрнидан жилдиришига қодир бўлган кучли эътиқод соҳиби эди! Бир ой ичидан унг минг жонни динга киришишнинг ўзи буладими! Мана чин фотих, орденимиз шиориға чинакам садоқат: ad majorem Dei gloriam. Шуну унутмангларки, самода бу буюк авлиёнинг ҳукми баҳандидир! Унинг қудрати мусибатларимизга тангрдан кўмак сўрайди, ибодатларимиз изжобат бўлиб, тилагимиз, магар бизнинг баҳтимизга хизмат этса, қондирилишини сўрайди, ва тағин, энг муҳими, гуноҳ қилган бўлсак, тавба-тазаруларимизни еткаради. Улуг авлиё Франциск Касверий! Одамлар қалбининг буюк сайди!

У тогни ўрнидан жилдиришига қодир бўлган кучли эътиқод соҳиби эди! Бир ой ичидан унг минг жонни динга киришишнинг ўзи буладими! Мана чин фотих, орденимиз шиориға чинакам садоқат: ad majorem Dei gloriam. Шуну унутмангларки, самода бу буюк авлиёнинг ҳукми баҳандидир! Унинг қудрати мусибатларимизга тангрдан кўмак сўрайди, ибодатларимиз изжобат бўлиб, тилагимиз, магар бизнинг баҳтимизга хизмат этса, қондирилишини сўрайди, ва тағин, энг муҳими, гуноҳ қилган бўлсак, тавба-тазаруларимизни еткаради. Улуг авлиё Франциск Касверий! Одамлар қалбининг буюк сайди!

— У тогни ўрнидан жилдиришига қодир бўлган кучли эътиқод соҳиби эди!

Биринчи ўтида мумин-қобил қишилар, бевабочорларга жаннат ваъда қилинади-ю, иккичи ўтида ер юзига ювощ, беозор бандалар ворис бўладилар дейилади? Илоҳий қовушиши маросимида ҳам нон, ҳам вино истеъмол қилинишининг боиси нимада, Исонинг вужуди ва кони, руҳи ва илоҳий моҳияти фақат нондами ёки фақат винодами? Исонинг вужуди ва қони табаррук қилинган нон ўшогида бус-бутунича мавжуд бўладими ёки қисман қушилган бўладими? Мабодо, табаррук қилингандан кейин вино айниб сиркага айланса, нон эса могор босиб, уваланиб қолса, шунда ҳам Исо илоҳи ва инсон сифатида уларда мавжуд булеврадими?

— Кузларининг қорамтири ёлқини гиравшира ёрүгликда чуғдай ялтиради, Стивеннинг юраги, узоқдан келаётган гармселини сезган чул киззагдогидай жунжикиб кетди.

(Давоми бор.)

Изоҳлар:

1. Англия ва Ирландиядаги айрим имтиёзли ўқув юртларида етакчи ўқувчи, синфбоши.
2. "Мен юксалдим, мисоли Ливандаги қарғайдай ва Ермон тогларидаги сарвялиғи, Енглад хурмоси ва Иерихон атиргуллининг бутогидай кўкка бўй ҷўздим. Мен, водийдаги ёззал зайдундай ва чинордай қад ростладим. Мисоли долчин ва аспалаф сингари оламга атромини ёйдим ва энг альо исироқ каби мушк-анбар таратдим" ("Инжил").
3. Биби Марям назарда тутилади.
4. Ж.Г.Ньюменнинг "Биби Марям маддияси" (1849) романидан олинган парча. Ж.Жойс мазкур романида Ньюмен насрига тез-тез мурожаат қилган.
5. Ж.Жойс давридаги опереттадан бир сатр.
6. Катехизис — диний ақидалар савол-жавоб тарзида қисқача баён қилинган китоб.

БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ ФАДИЛЯТИДА ТАЪЛИМГА ДОИР МУҲИМ САНАЛАР

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

1985 йил, шюль. Аёллар аҳволи бўйича Ш-Бутунжаҳон конференцияси бўлиб ўтди (Найроби). Унда "Таълим — аёллар аҳволини яхшилашнинг бош омили" дега эътироф этилди. Иштирокчи ҳукуматлар аёлларни жинсий камситилишининг ҳар қандай кўринишлар



Пайшанба куни Ингушетиянинг Чеченистон билан чегарадош Сунженск туманида Россия ҳарбий колоннасига хужум уюштирилган. Аскарлар оғир жароҳатлар билан Сунженск касалхонасига етказилди. Но расмий маълумотларга кўра ҳалок бўлганлар ҳам бор.

Лос-Аламос (АҚШ)да ўрмон ёнғинлари туфайли аҳоли хавфсиз жойга кўчирилмоқда. Ҳозирда шахар ва унинг атрофидан 22 минг киши эвакуация қилинди. АҚШ президенти бу оғатни йўқ килиш учун барча зарур воситаларни ажратди.

"I Love you" вируси яратувчиси сифатида қидирилаётган филиппинлик студент Оронел де Гузман коллеждан ҳайдалди. Бу ҳодиса ўқитувчиси Гузманнинг паролларни ўғирлаш ва Интернет тармоғига тикин уланиш ҳақида ба тағсил берилган курс ишини ноконуний ҳисоблаб, қабул қилишдан бош тортағач бўлиб ўтди.

Россия олтин-валюта резервлари ҳажми (5 май аҳволига нисбатан) 17,6 млрд. долларни ташкил этди. 28 апрелдан бўён у 500 млн долларга ошган.

Россия президенти Владимир Путин Бошкірдистон Давлат йигини раиси Константин Толкачевга ушбу республика конституцияси ва Федерал қонунчиликка мувофиқ келтириш таклифи билан хат юборди. Кремль ҳукуқшунослари фикрича, мувофиқлаштириш жараёнига бир неча ой вақт керак бўлади.

Пайшанба куни FP информацион агентлиги Аслан Масхадовнинг Россия Чеченистонда инсон ҳукуқларини поймол қилаётганини ҳақидаги айбономасини эълон қилди. Масхадовнинг сўзларига қараганда, Россия ПАСЕ олдидаги Чеченистонга тааллукли мажбуриятларни бажармаяпти. Унинг маълумот беришича, республикада беайб кишиларни ҳисбга олиш давом этмоқда.

"Интернет" хабарлари асосида тайёрланди.

Афсонавий Нуҳ кемасини Аракат тоғидан эмас, балки Қора денгиз остидан қидириш керак, деб ҳисоблайди америкалик тадқиқотчи Роберт Баллард.

Баллард Бутун олам сув тошқини ҳақидағи афсонага янгича қаради. Тадқиқотчи бу оғатни айтарли дарражада локал (маълум бир жойга хос) ва айнан Қора денгиз билан алоқадор деб ҳисобламоқда. У бу фикрини охирги геологик тадқиқот натижаларига таяниб ётироф этмоқда. Ушбу маълумотларга қараганда, бундан 12 минг йил аввал Қора денгиз Ўрта ер денгизидан ҳозирги Босфор бўғози ўрнида жойлашган табиий равоқ билан ажралган чучук сувли кўл бўлган экан. Тахминан 7,5 минг йил илгари, музликлар эрий бошлаган бир вақтда, Ўрта ер денгизининг сув сатҳи равоқ четларигача кўтарилиган. Сўнг, (қаттиқ жала ёки бир неча ер силкинишлари оқибатида) бу табиий тўфон ўпирилиб тушиб, шўр денгиз суви кучли оқим билан у пайтлари чучук сувли Қора денгизга қўйилган.

Бу тўфон бутун икки йил давомида, яъни Инжилда келтирилганидан (қирқ кечаю, қирқ кундуз) анча кўп вақт мобайнида мавжурган. Оқиб келаётган сув ҳар куни километрлаб ерлар-

ни босган. Бир кунда Қора денгиз сатҳи 30 смга кўтарилиган. Охир-оқибатда унинг майдони уч карра кенгайди — 150 минг квадрат километрга!

Чучук сувга қараганда, анча оғир бўлган шўр сув тезда чўкиб, ўзи билан одамлару жонзорларни ва ювилиб кетган уйлар

хур «Титаник»ни топган. «Мен Ўртаер денгизининг, одамлар таъкидлашганидек, кемалар умуман мавжуд бўлмаган жойларда қадимги Рим кемаларини топганман. Бу борада эса, Қора денгиз менга анча қизиқарлироқ туояляпти», дейди у.

Иккинчидан, Қора денгиздаги табиий шароит чўккан жисмларнинг яхши сақланишига имконият яратади. Чунки, у ерда кислород ташувчи чукурсув оқимлар йўқ, шунинг учун тубда, намоқоб эритмада ёғоч ва одам қолдиқларини еб кетувчи ҳеч қандай тирик олам йўқ: на краблар, на куртлар ва на микроблар бор. Қора денгиз тадқиқотчилар учун икки километр қаърида юзлаб кемалар сақланган зўр табиий омбор шаклида намоён бўлмоқда.

Баллард кема қидиравларини ўша, «Титаник» ни топган усуллари орқали олиб боришни режалаштирипти. Денгиз туви квадратларга ажратилиб, сув тагида ишловчи робот ёрдамида фоятда пухталик билан текшириб чиқида. Ушбу робот сонар ва видеокамералари орқали тасвир ҳамда бошқа маълумотларни юқоридаги кемага узатади ва улар ўша заҳоти эксперталар томонидан ўрганилади.

ЭМДОРИ ЎРНИГА САБЗИ ЕНГ!

Новосибирск шаҳри цитология ва генетика институтининг иссиқхонасида сабзи, картошка, сельдерей, олма ва ҳаттоки, тамаки каби ўсимликлар етишириллади. Бунинг нимаси ажабланарли, деб сўрарсиз? Бу меваю сабзавотларнинг "сир"и шундаки, улар трансген йўли билан яъни, ўсимликлар генларига бошқасининг гени чатиширилиб етишириллади.

Бундай технология орқали ўсимликларни кўкартириш усули сўнгги 10 йил мобайнида ривожланиб бормоқда, — дейди иссиқхона эгаси, биология фанлари номзоди Елена Дейнеко.

Ҳозирги вақтда дунёда 60 дан зиёд трансген ўсимли-

лари етиширилмоқда. Мисол учун, Ҳиндистонда бананларнинг маҳсус турини кўкартириш бўйича тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шундай бананлардан бирини есанг, ҳеч қандай гепатитдан кўркмай яшайсан!

Канадада трансген картошкага эҳтиёж катта, чунки унинг илдиз меваси ҳар қандай ҳашоратдан ўзини ҳимоя қилиш хусусиятига эга.

Трансген биология соҳасида дунё бўйича олға борувчиilar amerikaliklar xisoblanadi, lekin siberliklarni ham uardan bous kelmaslikka harakat qilişyapti:

— Биз маълум бир касалликларiga иммунитет ҳосил қилувчи генларни ажратиб

чиқариш бўйича кўпгина тадқиқотлар олиб бордик ва бу ўз самарасини берди, — дейди Елена Дейнеко, — ана шундай генларни ўсимликларга олиб ўтказишса бас, "егулик вакцина" тайёр! Жоноворлар учун бедани, биз учун сабзи, сельдерей, салат каби ўсимликларни кўллаш кўзланяпти.

Лекин сибирлик биологлар бир қанча иқтисодий қийинчиликларни бошларидан кечирмоқда. Тадқиқотларнинг қанчалик аҳамияти эканлигини тушунган amerikaliklar esa, уларни ўз институтларида ишлашга жон-жаҳдлари билан ундан, таклиф этишяпти.

Болаликдан муттасил тўйиб оқватланмаслик умрни 2-3 марта газар экан. Балогат ёшидан қатъий назар, яrim оч равишда пархез тутиш ҳам умрингизни узайтирап эмишу, лекин бу қадар кўпга эмас экан. Катта ва кичик ёшдаги ҳайвонлар устида олиб борилган тажрибадан сўнг, америкалик олимлар юқоридаги хуласага келишди. Кам калорияли оқват билан озиқлантирилган полапонлар жуда кичик ва жинси ривожланмай ўсган. Лекин тўйиб оқватланган бошқа тенгдошларидан кўпроқ яшаганлар.

Инсонлар орасидаги биринчи кўнгилли — колумбиялик талаба бундан бўён ярим оч яшаб, 150 ёшгача умр кўришини ўзига ният қилиб қўйган.

ОЧ ЮРГАН КЎП ЯШАР

ТИЛ ЎРГАНИШ УЧУН ҚИШЛОҚКА

Эстонияда яшовчи 250 русийзабон болалар давлат тилини яхшироқ ўзлаштиришлари учун шу йили маҳаллий қишлоқларга юбориллади. Интеграция жамғармаси нафақат уларнинг эстон оиласарида яшамоғи, балки ўқитилиши ва экскурсияга чиқиши учун ҳам маблағ ажратди.

Бошқалар эса, ўзига хос "қишлоқ лагерлари"га уч ҳафтага юбориллади. У ерда русийзабон болалар эстон тенгдошлари билан гаплашиб, тилни ўрганиш имкониятига эга бўлади.

МАМЛАКАТ ЧЎКИБ БОРМОҚДА

Тинч уммонининг жанубидаги Тувалу давлатининг бошига Атлантида тақдири тушаётганга ўхшайди. Тувалу уммонга фарқ бўлиб

бормоқда ва мамлакат ҳокимияти аҳолини қўшни давлатларга оммавий кўчиришга эришяпти.

Тувалу бош вазири Ионатана шу мақсадда Янги Зеландияга ташриф буюрди. У ушбу давлат рахбарларини кўчиб келинажак кишиларни қабул қилишларига кўндирамоқчи. Янги Зеландия матбуотининг маълумот беришича, Тувалу ҳукумати ўз мамлакати аҳолисининг ҳозирги сони - 10 мингдан 6-7 минг кишига кисқартиришга умид қилаётганиши.

Бош вазир Ионатананинг сафари ватанида навбатдаги оғат рўй беришига тўғри келди. Тўхтовсиз сув оқими оқибатида бош оролнинг катта қисми ва пойттахт — Фунафути шаҳри сув тагида қолди. Шаҳар билан бўлган телефон алоқаси узилган эди. Маҳаллий метеорологлар оғатнинг сабабини иқлимининг глобал исишида деб билмоқдалар.

Тувалу ландшафти (ер сатҳи кўриниши) нинг энг юқори нуқтаси 4,5 метрдан ошмаган ва яқин келажакда, уммон босиб келиши билан, аҳоли умуман турар-жойисиз қолади. Ионатана сўзларига қараганда, бу ҳодиса қаҷон содир бўлиши ҳозирча номаълум, лекин энг шимариб, ишга киришиш вақти етиб келди.

Қандай қилиб, калориядаги чеклашлар умрни узайтириши ҳозирча номаълум бўлиб келмоқда. Биологлар таъсир этилганда умрни узайтирувчи генни аниклашга ҳаракат қилишяпти. Бунда оқват тановулида ҳеч қандай чеклашлар бўлмайди. Лекин аниклашича, "пархез"даги ҳайвонларда бирваракайига ўнлаб генлар фаоллиги пасайиб кетар экан. Шундай бўлсада, айрим тадқиқотчилар бу генлар орасида уларни бошқариб турадиганлари борлигига аминидирлар.

РТФА озиқланниш институти мутахассисларининг фикрича, америкалик олимлар томонидан олинган маълумотларни ҳали анча текширувдан ўтказиб, ўрганиш лозим. Уларнинг сўзларига қараганда, кўп умр кўриш назариялари шунчалик кўпки, улар ҳақида бирон нима дейиш қийин.

**Хориж матбуотлари асосида
Жамшид САЪДИНОВ
тайёрлади.**

КҮЙ (21.03—21.04). Келаётган ҳафтада ўзингизни күпроқ хотиржам тутишга қаралат қынгыл. Ҳафта бошида дам олғаннанғиз мәйқул. Навбатдаги күнларда соғлигиниз билан алоқадор мүаммолар туғилиши мүмкін.

Нокулай кун — чоршанба, жума.

БУЗОК (22.04-20.05). Сешанбада лақиплатиб кетишлари мүмкін. Пайшанба амалий битимлар түзіштін күні күләм. Дам олиш күнларда тоза ҳавода ҳордик чиқа-

ринг.

Яхши кун — жума.

ЭГИЗАКЛАР (21.05-22.06). Сешанбада маҳбуб ёки маҳбубанғиз күнглини овланға. Пайшанбада амалий ишларнанғиз бароридан келауди. Шанба куни соғлигиниз хусусида ўйлаб күринг.

Нокулай кун — душанба. Яхши кун — пайшанба.

КИСКИЧБАҚА (22.06-22.07). Келаётган ҳафта молиявий жиҳатдан омадлы бўлади. Хусусан, сешанба ва жума күнларидан бунга ишонч хосил қиласиз. Бундан ташқари, ҳафта давомида кўпгина ишларни удалалай оласиз. Дам олиш күнларидан табиат кўйнида бўлинг.

Яхши кун — душанба. Нокулай кун — пайшанба.

АРСЛОН (23.07-22.08). Ҳафта бошида хушхабарлар тинглайсиз. Чоршанбада можароларга дучор бўлишдан сакланинг. Пайшанбада бизнес соҳасида ишларнанғиз ўз самарасини беради. Дам олиш күнларидан соғлигиниз хусусида ўйлаб кўринг, бирорларнинг ёлғон сўзларига учманг.

Нокулай кун — сешанба.

ПАРИЗОД (23.08-22.09). Ҳафта бошида бир оз лоҳаслик сезасиз. Лекин кейинги күнлар ахвол ўнглана-ди. Моддий жиҳатдан рағбатлантириласиз.

Яхши кун — сешанба.

Sabooq

ҚИЗЛАР, ЁЛГОН ГАПИРМАНГ

Бошлигич синфларда ўқиётган кезларимда бир дугонам бўлар эди. Биз доим мактабга бирга бориб, дарслардан сўнг бирга қайтар эдик. Дугонам жуда чиройли, келишган киз бўлиб, дарсларни қийналмасдан "яхши" ва "аъло" баҳоларга ўзлашибарди. Лекин унинг бир камчилиги бор эди — ёлғонни кўп ишларатди. Ўша вақтда буни ҳеч ким, жумладан мен ҳам, сезмаган эканмиз. Орадан ойлар ўтди. Бир куни дугонамни дарсларни олиб чиқиб кетишиди. Эртасига у мактабга келмади. Кейинчалик билсак, бошка мактабга ўтиб кетган экан. Мен бунинг асл сабабини билмай жуда саросимага тушдим. "Уни ҳафа қилиб қўйдимми? Нега у менга ҳеч нарса демасдан кетди?". Бу каби саволлар мени жуда қийнар эди. Шу күнларда мактабимиз ўкувчилари учун умумий мажлис бўлди, унга ҳамма тўпланди. Мажлисда дугонам ҳақида гап борди. Маълум бўлдики, у ёлғон гапиргани учун мактабдан ҳайдалган экан. Наҳотки бир марта ёлғон гапиргани учун ҳайдалган бўлса деб аввалига ажабландим? Йўқ, йўқ. У бир марта эмас, балки бир неча марта ҳаммани алдаб келган экан. Мен ҳам унинг лоғларига ишониб юрган эканман. Дастлаб ундан астойдил ҳафа бўлдим, сўнг уни ёлғон сўзлашга нима мажбур қилди, деб ўйлаб қолдим. Нега у шунча вақт ёлғон гапириб келди? Умуман, буни қаердан ўрганди? Дарслардан қийналмасди, бу одатнинг унда шаклланишига асос йўқдек, - ўйлаб ўйимнинг охирига етолмасдим. Кейинчалик уйларимиз яқин бўлишига қарамай, дугонам билан узоқлашиб кетдик, чунки орамиздаги муносабатларда энди аввали илиқлик йўқ эди. Дўстлигимиз путурига асосий сабаб, унинг ёлғончилиги эди. Кейинчалик эшитдимки, дугонам ёлғончилиги туфайли жуда кўп жойларда қоқилиби. Ўзгалар олдида юзи шувит бўлиди. Менимча, бу қизнинг тақдир зарбаларига учрашига, ҳаёт калтакларини ейшишига ўзидан ташқари ота-онаси ҳам айборд. Бу қиз ёлғон гапиришини ёшлигидан бошлаган, натижаси эса маълум. Бу воқеани сўзлаш орқали ёлғончилик, алдаш, товламачилик каби иллатлар инсон тақдирини бир умрга мажрух қилиб қўйиши мумкинлигини таъкидламоқчим. Зотан, ота-боболаримиз "қингир ишнинг қийиги қирқ йилда бўлса ҳам чиқади" деб бежиз айтишмаган. Ҳалқимиз ростгўйликни инсоннинг энг яхши фазилатларидан бири деб ҳисобласа, ёлғончилик ва алдамчиликни иллатларнинг ёмо-ни деб билади.

Наргиза ОТАХОНОВА,
лицей ўкувчиси.

Oshxona

Кулуниң энг хуштаъм мева бўлиб, у бир қанча шифобашх хусусиятларга ҳам эга. Унинг таркибида турли хил витаминалар, дармондорилар мавжуд. Кулуниңни "инжик" мевалар каторига қўшиш мумкин. Сабаби, бир кунда қизарип пишиди, узилгандан сунг бир неча соатдан сунг ўз хусусиятларини йўқотади.

Куйила қулуниң мураббосини тайёрлаш сирларидан сизни огоҳ этмоқчимиз. Бу мураббо шамоллаш касаллигига яхши даво бўлади.

4 кг кулуниңни совук сувда ювиб, бандидан ажратиб олиниди. Сунгра 4 кг шакар сепиб, бир

ҚУЛУПНАЙ МУРАББОСИ

кеча совук жойга қўйиб қўйилади. Шакарни ўзига сингдириб олган кулуниңни кастрюлкага солиб, миттиратиб қайнатилади. Қайнаш давомида кўпликлари олиб турлади. Бир текис қайнагандан сунг оловни ўчириб, ушбу қайнатмани 5-6 соат совук жойга қўйиб қўйилади. Шу вақт оралигига кулуниң шакарни ўзига сингдириб олади ва яна бир марта қайнатилган пайтда эзилиб кетмай, бутун туради. Яна бир марта мураббо қайнатилади ва оловдан олиб қўйилади.

Мевалардан мураббо тайёрлаётган вақтингизда уларга ҳеч қачон сув қўшманг. Бу тайёрлаётган мураббонингизнинг сифатини бузиб қўйиши мумкин. Шакар билан аралаштирилган ҳар қандай меванинг суви чиқади. Шу сув мураббонинг ширин ва қуюқ чиқишига етарли бўлади.

Mish-mishmi- yo... ҚИРОЛИЧА НАБИРАСИГА ИШОНАР ЭКАН

Буюк Британия қироличаси Елезавета буғунги кунда дунёнинг энг машҳур ва бадавлат аёлларидан бири. Биз унинг бойлиги, дунё миқёсида тутган сиёсий мавқеи тўғрисида эмас, балки шахсий ҳаёти ҳақида гапирмоқчимиз.

Елезавета ва Филипп ўртасидаги илк муносабатлар саройда ўтказилган ҳашаматли балдан бошланган эди. Худди эртаклардагидек бўлган бу балда баланд бўйли, чиройли денгизчи бўлгувси қироличада гўзал таассурот қолдириди. Ўз навбатида шаҳзода ҳам ёш ва гўзал Елезаветага мафтон бўлиб қолди.

Икки ёш ўртасида мана шу балдан сунг мактублар ёзиш ода-ти пайдо бўлди. Улар бир-бирларига ниҳоятда нозик сўзлар билан тўла севги мактубларини жўнатиб турдилар. Ёшларнинг ўза-ро муносабатларини сезган саройдагилар тўйга тайёргарлик кўра бошлайдилар. Албатта, шаҳзода Филипп Буюк Британия қироличасининг турмуш ўртоғига катта масъулият юкланганини биларди.

Шаҳзоданинг ҳаяжони тўй тантаналарига ҳам таъсир қилди, десак маълум маънода тўғри гапирган бўлмазис. Уларнинг ниҳоятдан ўтиш маросимлари гоятда дабдабали бўлди. Бу маросимда беш нафар қирол, олти нафар қиролича, 24 нафар шаҳзода ва маликалар иштириди. Ниҳоятдан ўтиш маросимида Елезавета, марваридлар билан безалган фил суюги рангида гўйлак кийган эди.

Орадан беш йил вақт ўтгандан сунг, Буюк британияликлар "иккичи тўй" деб номловчи маросимнинг фурсати етди. Айтишларича, бу маросим пайтида қироличанинг умр ўйлдоши ўзини анча нокулай сезган. Анъанага кўра шаҳзода Филипп рафиқасининг ёногидан ўпиши ва унинг давлатни бошқаришига нисбатан ўз ишончини билдириши керак эди. У анъанани бажараман деб рафиқасини енгилгина туртиб юборди.

1948 йилда улар фарзанд қўришиди. Бу фарзанд уларни илк бор она ва ота деган гузал номга сазовор қилган шаҳзода Чарлз эди. Орадан бир йил ўтиб малика Анна дунёга келди. Анна түғилгандан кейин орадан 10 йил ўтиб учинчи фарзанд — шаҳзода Эндрю түғилди. Бироқ бизнинг қаҳрамонимиз бўлмиш қиролича фарзанд қўриши бахтини тужу таҳтдан ҳам масъулиятларик деб биладиган аёллар сирасидан бўлиб чиқди. Кичик шаҳзода 4 ёшга, қиролича 38 ёшга кирганида қироллар оиласидаги тўртнинчи фарзанд — шаҳзода Эдвард дунёга келди.

Киролича ўз хукмронлигини давом эттироқда. Бир неча йилдан сунг у ўз фаолиятининг 50 йиллигини нишонлагди. Ўтган йили эса у ўзи ва шаҳзода Филиппнинг олтин тўйини тантаналини ишончидан ўтиш маросимлари эди. Гарчи қиролича хали таҳтни топшириши истамаса ҳам, бир неча йилдан бери Буюк Британиянинг кейинги хукмдори ким бўлади, деган мунозаралар бўлиб туриди. Ҳар ҳолда мана шундай шароитда шаҳзода Чарлзнинг номзодини тавсия қилишса керак. Бироқ, миш-мишларга қараганда, қиролича Елезавета таҳтни фақат суюкли набираси Чарлзнинг ўғли шаҳзода Уильямгагина ишонар экан.

Гулида АБДУЛЛАЕВА

АЁЛЛАР ҲАҚИДАГИ ҚИЗИҚАРЛИ МАЪЛУМОТЛАР

СИҚИЛМАНГ — СЕМИРИБ КЕТАСИЗ

Тўла аёллар иложи борича қаттиқ асанбийлаштишдан сақланмоги керак. Акс ҳолда, меъберидан кам овқатлангани билан улар жуда тез семириб кетишларни мумкин. Америкалик олимларнинг тъзкидлашлари, узоқ сиқилиб юриш организмда кортизол мидасининг кўпайтиб кетишига ва

тананинг ёт босишига сабаб бўлар экан.

Хипчабел, нозик-ниҳол бўлиб юришни истасангиз асло сиқимланг, асанбийлашманг, болаларнинг ва ўкувчиларнинг чиқишига чиданг.

МУЗҚАЙМОҚДАН ФОЛ КЎРИШ

Қизлар қандай музқаймоқни хуш күришларига қараб уларнинг фөль-атворини билиш мумкин, дейишишмоқда мутахассислар. Мисол учун мевали музқаймоқни ёктирадиганлар қайсар, ўзбилиармон, шоколадли музқаймоқни хушлайдиганлар қатъиятсиз, иродасиз булишиди. Танламай, дуч келганини пакъос тушураверадиган қизлар эса хушчакчакларни билан ажralиб туришади.

ЛАБ БЎЁГИ ҚАНДАЙ ПАЙДО БЎЛГАН?

Хотин-қизларнинг лаб бўёги Қадимги Мис

рада пайдо бўлганлигини кўпчилик билмас керак.

Кухна Греция ва Римда яшаган гузаллар хам бу косметике воситадан зўр иштиёқ билан фойдаланганлар. Бироқ урта асрларда лаб бўёги Европа хотин-қизларнинг кундаки хастидан сурб چиқарилган.

Мутахассисларнинг фикрича, 1883 йилда Амстердамда бўлиб ўтган Ҳалқаро кургизмада лаб бўёги қайтадан "түғидли". Бугу мойдан тайёрланган косметик янгилик кўпгина хотин-қизлар, шу жумладан, машҳур актиса Сара Бернарнинг ўюқасак баҳосига сазовор бўлди. Аммо лаб бўёги бутунги куринишига эга булиши учун яна уттиз йилдан зиёдроқ вақт ўти. 1915 йилда АҚШда олиб юриш учун қўйал лаб бўёклари пайдо бўлди.

Юз терингиз ўта таъсирчан бўлса: совуқда қизарса, қўёшда қорайса ва ёрилиб кетадиган бўлса тухум оқини яхшилаб творог билан ийлаб юзингизга суртиб, 20-25 минутдан кейин лосъонлар билан артиб ташланг ёки илиқ сувда ювинг, бу мўлажа жуда яхши ёрдам беради.

С.ХАСАНОВА

ЧАЁН (23.10-22.11). Ҳафта бошларида ло-ҳаслик сезасиз. Кўпроқ соғлигиниз ҳақида ўйланг. Пайшанбада хушхабар эшитасиз.

Дам олиш күнларидан дам олиш га-

ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12-19.01). Ҳафта молиявий ва бизнес масалаларида қулай келади. Лекин инсон ҳаёти фақат "югор-югор" ва пул то-пишдан иборат эмас. Энг катта бойлик соғликидир. Демакки, соғлигиниз хусусида ҳам ҳафта давомида ўйлаб кўринг. Яхши кун — душанба. Нокулай кун — сешанба.

ҚОВФА (20.01-18.02). Ҳафта бошла-рида зиддиятларга ду-чор бўлишдан эҳтиёт бўлинг. Чоршанбада бизнес доирасидаги ишларнингизда силжиш юз беради. Шанба куни хушхабарлар эши-тасиз.

Нокулай кун — сешанба.

МАҚСАД – САЛОМАТЛИК
 “Кўкалдош” ислом ўрта маҳсус билим юртингин мударрис ва талабалари “Жар” спорт мажмуининг футбол майдонидаги тўп сурмоқдалар. Бу ерда курслароро ҳамда талабаларнинг мударрислар билан ўйинини кўпчилик завқ билан томоша кильмоқда. Айникса, мударрислар яхши ўйин кўрсатишиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлмоқдалар. Ўйинлар ҳар ҳафтанинг сесанба ва пайшанда кунлари ташкил этилмоқда.

ОФИР АТЛЕТИКАЧИЛАР ЮТУГИ

Японияда бўлиб ўтган оғир атлетика бўйича Осиё чемпионатида ҳамюртларимиз мувоффақиятли иштирок этишди. Игорь Халилов олтин медаль соҳиби бўлиб, Сидней олимпиадасига йўлланманни кўлга киритган бўлса, Бахтиёр Нурилев кумуш, Фозилбек Үразумбетов бронза медалига сазовор бўлишиди.

ИСПАНЧА ФИНАЛ

Чемпионлар лигасининг ҳал килувчи боскичида Испаниянинг 2 та клуби катнашди.

Бу ярим финал баҳсларида Мюнхеннинг “Бавария” жамоаси “Реал” (Мадрид) устидан 2:1 хисобида галаба қозониши билан оидинлашиди. Бир хафта илгари кирол клуби биринчи ўйинда (2:0) галаба қозонган эди.

“Реал”нинг 35 миллион доллар эвазига Н. Анерекани ўзига жалб этгани мавсум бошларида кўпчиликни ҳайратлантирган эди. Ўнинг атиги 2 тўпи испанча финалини ҳам таъминлади.

ТАИЛАНДГА – ЙИФИНГА

Бугун олий лига жамоалари навбатдаги тур учрашувларини ўтказишиди. Шундан сўнг бўладиган киска танаффусни бекор ўтказмаслик мақсадида Садирин раҳбарлигида терма жамоамиз Таиландга йўл олади. У ерда ўкув-машгулотлар ҳамда мезбонлар билан ўртоқлик учрашуви ўтказилади.

ҚАЛТИС МУНОСАБАТ

Профессионал боксда жаҳон чемпиони камарини сақлаб турган Л. Люис сўнгги галабасидан кейин ўзини осмонда хис этаётган кўринади. У ҳатто М. Тайсон шаънига ҳам қалтис муносабатда бўлган. Лекин ҳар не бўлганда ҳам бокс ишқибозлари, мухлислар муносиб “кирол”ни ажратади. Масалан, М. Тайсон рингга чиққанда билетлар (юкори нархда) бир зумда сотилган бўлса, Люис ва Грант учрашувларида 2000 та билет сотилмай көлган.

“ФЪЮЧЕРС” ТУРНИРИ ЯКУНЛАНДИ

Наманганда тўртинчи бор ўтказилган “Фъючерс” халқаро теннис турнири якунланди. Финнда россиялик теннисчи Артем Дерепаско ҳамюрти Кирилл Иванов—Смоленскийни мағлуб этиб, турнир голиби бўлди. Жуфтлик баҳсларида голиблик исроиллик теннисчиларга насиб этиди.

МАШЬАЛА ЁКИЛДИ

Сидней – 2000 олимпиадасининг машъаласи ёқилди ва бу маросимда кўплаб мамлакатлардан давлат арбоблари, халқаро ташкилот вакиллари иштирок этиди. Машъала Греция бўйлаб 1695 км. ўйлосиб ўтади. Шундан 495 мил масофа Эгей денгизига тўғри келади. 20 майда ташкилотчиларга расман топшириладиган рамзи олов 100 кун ўйл юриб, 550 спортчининг кўлидан ўтиб Сиднейга етиб келади.

РАҲМОНҚУЛОВ “НЕФТЧИ”ДА

Футбол федерацияси томонидан кўшимча чакириклар муддати 1 августгача узайтирилишидан барча клублар фойдаланиб қолишга интилишмоқда. Жумладан, ҳар или таркибини ўзгартириб кучайтириши билан машҳур “Нефтчи” Шуҳрат Раҳмонқуловни “Навбаҳор”дан ўз таркибига ўтказиб олиш тарааддудини кўраётir.

**М
А
Ҷ
О
Ж
Ч
А
С
И**

Ўзбекистондаги Темпуснинг ахборот шахобаси томонидан тайёрланди. Сизнинг эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу мақола мамлакатимизда Темпус фаолияти, яни республика измири олий ўкув юртларида Европа Иттифоқи университетлари билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар ҳақида батафсил боҳбар килиш мақсадида тайёрланди.

Темпус-Тасис дастури Европа Иттифоқи (ЕИ)нинг янги мустақил давлатларга олий таълим тизимини ислоҳ килишда кўмаклашиш бўйича ҳамкорлигининг бир тизими бўлиб, у ЕИ билан иқтисодий-сиёсий алоқаларни ривожлантиришга қаратилган Тасис дастурининг бир унсури ҳисобланади.

Темпус дастури илк бор Енинг Вазирлар Кенгаши томонидан 1990 йил 7 майда қабул килинган. Жорий ўкув йилида Темпус III дастури ўзининг янги, учинчи фазасин очди. 2000-2006 йилларга мўжлалланган ушбу фаза олий таълимнинг жамиятдаги ролини ошириш ҳамда уларнинг корхоналар ва ташкилотлар билан ҳамкорлигини йўлга кўйиш каби та-

Tempus O'zbekistonda

Европа тиллари соҳалари бўйича 27 та лойиҳа лойиҳалаштирилди. 1994-2000 йиллар давомида Темпус дастурининг умумий бюджети 6 млн. евродан ошиб кетди.

Компакт (зич) – лойиҳалар доирасида ЎзДЖТУда, СамДУ ва ТДАУда халқаро алоқалар бўлимининг яратилиши ва уларнинг керакли жиҳозлар билан таъминланганлиги университетлар ўтасидаги халқаро ҳамкорликни яхшилашга имкон яратди. Темпус доирасида нафакат ЕИ олий ўкув юртлари билан ҳамкорлик килишга, балки таълим соҳасида ишловчи бошқа дононларнинг дастурларда иштиrokeri учун ҳам кенг имкониятлар очиб берилди.

1998 йилнинг ўртасида иккى йиллик Европа билан ҳамкорликдаги лойиҳалар ва у йиллик компакт (зич) – лойиҳа якунланди. Масалан, ЎзМУ тарих факультети базасида якунланган «Тарих» лойиҳасини амалга ошириш жараёнида манбалар маркази ва

қайтадан тайёрлаш ишлари Самарқанд чет тиллар институтида ҳамда Қарши Давлат университетида амалга оширилмоқда. Испания, Финландия, Буюк Британия ва Голландия университетлари билан ҳамкорликда ЎзДЖТУда, иккичи ТошМида ва ЎзМУда бошқарувнинг ахборот тизими тадбиқ этиш орқали тузилман қайта ташкил этиш амалга оширилмоқда.

Жорий ўкув йилида бошлаган учта лойиҳа доирасида ТДТУ ва Навоий кончиллик институтида масофадан таълим тизимини ишлаб чиқиш ва униятатбиқ этиш учун ўқитувчilar тайёрлаш, ЎзМУда халқаро алоқалар ва хуқук ўкув фани бўйича бакалавр ва магистрлар учун ўкув дастури ишлаб чиқиш режалаштирилган. Шунингдек, Тошкент Давлат иқтисодиёт университетида Европанинг илфор олий ўкув юртларидан фойдаланиб, ходимлар ўқувини яхшилаш ва керакли жиҳозлар ўрнатиш йўли билан халқаро алоқалар бўлими фаолияти ташкиллаштирилади.

Темпус III вазифалари ва мақсадлари, аризалар бериш амалиёти ҳақида хабардор қилиш муддаосида ўтган йилнинг 8 октябринда Темпус ахборот шахобаси томонидан Тасисинг мувофиқлаштирувчи бороси ҳамда ОЎМТВ халқаро алоқалар бошқармаси билан биргаликда ахборот семинари ўтказилди.

Семинарда иштирок этган юзга яқин олий ўкув юртлари, халқаро ташкилотлар, вазирликлар, нодавлат ташкилотлари вакиллари конкурсада иштирок этиш шартлари, ҳамкорликнинг янги йўналишлари юзасидан батафсил маълумотга эга бўлдилар. Семинар Европа Комиссиясининг маданият ва таълим бўйича Боз Директорати ҳамда Европа таълим фонди вакилларининг фаол кўмаги ёрдамида техник ҳамкорлик ва дастурни амалга ошириувчи Темпус бўлими томонидан ташкил қилинди. Жорий йилнинг 1 марта 2000-2001 ўкув йили учун Темпус дастурида иштирок этиш конкурсида аризалар қабул қилиш якунланди. Натижалар шу йилнинг куизида эълон қилинади ва танланган лойиҳалар 2000 йил ноябрь ойидан амалга оширила бошланади. З апрелда тармоқ лойиҳалари тузилмасига кўшишма бўлишни назарда тутувчи шахсий сафарбарлик грантларига аризалар қабул қилиш муддати якунланди.

Темпус дастури, аризаларни қабул қилиш масалалари юзасидан батафсил маълумот олиш учун Европа Иттифоқи Комиссиясининг Ўзбекистондаги техникавий ёрдамини мувофиқлаштириш боросида жойлашган Ахборот шахобасига мурожаат қилишиниз мумкин. У ерда Сизга зарур барча маълумотлар бор ва сизни кизиқлаштирувчи барча саволларга жавоб берилади (тел: 1394018).

Азиза АБДУРАҲМОНОВА.

Siz nima deysiz?

ҚАЙСИ БИРИ ҲАҚ?

...Қўлимга кўп пул тушгандан сўнг, шунга мол олсан ютказмасам керак, ҳам пулим кўймайди. Тақдир эса шаҳарга етаклаб кетди, — деб гапини фамгин бошлади Эсон ака. — Бисотимдаги сигирларни сотгим келмайди. Сотсан, пули йўқолиб кетади. Яхшиси, шунинг ҳам кўшним, ҳам қариндошим Шерикбойга омонат қилиб берсан, уям жўжабирдай оила, рўзгорини тиклаб олса, бир-биримизга нафимиз тегса, деб кишлоқдаги кексалардан маслаҳат сўрадим. Базъилира мъяқул, деди. Бошқалари ўлдириб қўяди, у эпсиз одам, деди. Ҳуллас, охири тавакқал, деб сигирларни беришга қарор қилим. Шерикбойнинг ўзига ҳам бу таклиф жуда мъяқул келди. Елини сутга тўлиб турган иккита сигирга ким ҳам ноз қиласи эди? Ёнида учта кўй ҳам бор. Ҳашагига кийналмасин деб эшак ҳамда озуқаларни ҳам фамлаб бердим. Иш битди, мен ҳам, омонатни қабул қилиб олган ҳам хурсанд. Кўнглим хотиржам, шаҳардаман. Унда-бунда боргандан Шерикбойнига кираман. Ахволда ўзгариш эмас, орқага кетишни кўраман. Одамлар сотиб юбор, ўлдириб қўяди, дейишади. Шерикбойнинг рўзгори эса ночор. Ўзининг ташқарисию ичкаси хароб, ҳаммаёқ чанг, ифлос. Уларнинг ахволидан бир ранжисам, молларнинг шароитини кўриб, бир хафа бўламан. Айтай десам, юзи исик. Шерикбойга ўхшаган ёлғизқўй йигит эдим. Лекин одамлар менинг тириклигимга ҳавас килишларини ўзимдан яшираймай, кўп айтишган.

Охирги боришимда сигирлар сутдан чиқкан, кишига на емиш, на ҳашак қолган, моллар факат похол чайнаб турарди. Шу кетишида улар кўпга бормайди. Уларни сотиш ҳаракатига тушдим. Моллар зотдор бўлганидан, дарров харидорлар ҳам топила қолди. Янги эгалари хурсанд ҳолда, зўрга оёқда турган, орқи, кўтирилаб кетган сигирларни бир-бир етаклаб чиқиб кетишиди. Кўйларни ҳам сотдим. Навбат шалпангкул эшакка етганда, Шерикбой уни хизмат ҳақимга қолдир, деб хотини иккови туриб олди, беш ой сигирларимни сутини соғиб ичган бўлса ҳам улар норози эди. Охирни 20 кило гуручга келишдик. Мен норози бўлсам-да, уларни ранжитим келмади. Кейнинг борганимда, дондан қарзларинг бор эди, кейингисиниям тайёрлаб кўйинглар деб шаҳарга қайтдим. Бақт ўтиб кишлоққа бордим. Шерикбой мен билан совукқина сўрашди. Эшак ўлиб қолди, ўзимиз ҳам кийналганимиздан бузогимизни сотдик, деб хайр-маъзурни насиya қилиб, алдаб жўнаб қолди. Хотинига учрасам, у терс бурилди. Хотинига сигирларнингни сотиб фойда килдинг, бизга пулидан бермадинг, деб нолиб қолди. Мол олasi сиртида, одамники ичидан бўларкан. Эртагоди қайтишимда яна уникига кирдим.

Унинг ўй-жойи бор, мен эса болаларим билан ижарада турман. Анчадан сўнг хотини чиқди. Билдимки, қарзни бергиси йўқ. Ҳолидан маълум, бераолмайди ҳам. “Шериклик ошни ит емас” деганлари тўғри экан. Қўл силтадим, бундан бошқа чорам қолмади.

Танишимнинг сухбатини тинглаб туриб, хаёлимдан шундай ўй ўтди: Ким ҳақу, ким ноҳақ? Омонатини афтоҳад қайтариб олган Эсон ака ми ёки омонатни сақлаб, фойдаланиб, унинг эвазига ҳақ талаб қилган Шерикбойми?

Бошим қотди. Жавоби аниқ бўлмаган топишмокка дуч келгандай бўлдим ва бу воқеа тафсилотини оқча туширдим. Бу ҳақда газетхонлар фикрини билгим келди.

Воҳид БОЙМУРОДОВ

ҲАМКОРЛИКНИНГ УФҚЛАРИ

лай янгиликлари билан ўзига хосдир. Дастурлар доирасида Европа университетларидаги консорциуми ва ҳамкор-мамлакат олий ўкув юртлари томонидан ишлаб чиқиладиган ҳамда амалга ошириладиган лойиҳалар молиялаштирилди. 2000 йилдан бошлаб Темпус дастури доирасида Европа билан ҳамкорликдаги лойиҳалар ва тармоқни яратиш бўйича лойиҳалар молиялаштирилди. Икки ёки уч йиллик Европа билан ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга оширишга 500 минг евро ажратилди. Ушбу лойиҳаларнинг мақсади олий таълимни ривожлантиришнинг миллий истиқболларига биноан янги ўкув дастурларини ишлаб чиқиши ва амалдагиларини модернизация қилиш, олий ўкув юртлари бошқарувини такомиллаштириш, олий ўкув юртлари базасида мутахассисларни қисқа курсларда қайта тайёргарликдан ўтказиши ўйли билан жамиятнинг ноакадемик секторини ривожлантиришдан иборат.

Тармоқлар яратиш бўйича лойиҳаларнинг асосий мақсади Темпуснинг аввалги лойиҳалари доирасида эршилган натижаларни кенг ёйишга, университетларнинг миллий ва халқаро тармоқини яратишга, ҳудудий ҳамкорликни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш ҳисобланади.

Темпус дастури Ўзбекистонда ўз фаолият



**ОЧИҚ ЖАМИЯТ ИНСТИТУТИ КЎМАК
ЖАМГАРМАСИННИГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ
ВАКОЛАТХОНАСИ «БОЛА ХУҚУҚЛАРИ БЎЙИЧА
5-7 СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИГА МЎЛЖАЛЛАНГАН
МАШҒУЛОТЛАР » ТАНЛОВИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ**

Танловнинг мақсади 25 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси ёшлари вакилларининг мустақил ташаббусларини қўллаб-куватлаш.

Танлов ғолиблари қисқа муддатли (3 ойдан ортиқ бўлмаган) якка ҳолда ёки жамоа билан бирга ишлайдиган шаклда тақдим этилган лойиҳаларни АҚШнинг 100 дан то 1000 доллари чегарасида (Ўзбекистон Республика Марказий Банкининг тўлов кунининг расмий курси бўйича сўмда) моддий ёрдам асосида ўз фояларни амалга ошириш имконига эга бўладилар.

Тақдим этиладиган лойиҳалар қўйидаги соҳаларга тааллуқли бўлиши керак:

ижтимоий
маданий
экологик

Шу билан бир қаторда қўшма лойиҳалар ҳам қабул қилинади.
Кўриб чиқиладиган асосий талаб:

Фоянинг янгилиги ва ўзига хослиги(оригиналлиги)

Маданий, ижтимоий ва экологик соҳаларда мустақил фикр ва фояларнинг мавжудлиги.

Умумбашарий, умуминсоний ҳамда миллий ғоя ва шаклларни амалга оширишдаги мутаносиблиги.

Очиқ жамиятнинг асосий ғоя ва принципларга мувофиқлиги.

Лойиҳани қўшимча маблағ билан таъминлаш манбаларини излаш рағбатлантирилади. Соврин ва мукофотларнинг тўлови кўзда тутилмайди. Ҳар бир даъвогардан фақат битта лойиҳа танловга қабул қилинади.

Танловда иштирок этиш учун Очиқ Жамият Институтига ўзбек ёки рус тилларида қўйидаги ҳужжат ва материаллар топширилиши лозим.

-Лойиҳанинг ғояси асослаб берилган ва унинг асосий параметрлари(иштирокчилари, тартиби, муддати ва ўтказиладиган жойи, амалда, муфассал бюджет, кутилаётган натижалар ва ҳоказолар) қайд этилган 5-босма матн варағидан ошмайдиган лойиҳанинг қисқача баёни.

-Лойиҳанинг даъвогари (loyiha raҳbari) ҳамда унинг иштирокчилари ҳақида маълумотлар, яъни таржимаи ҳоллари, алоқа телефон ва манзилгоҳлари, расмий ҳужжатларнинг нусхалари (паспортнинг биринчи варағи ёки туғилганлик ҳақида гувоҳнома, диплом ва хоҳиш бўйича бошқа расмий ҳужжатлар).

-Лойиҳага тааллуқли бўлган ижод намуналари (слайд, нусха, аудио, видеоматериаллари, асл нусхалари ва ҳоказо).

-Лойиҳа бўйича оммавий-ахборот воситаларида эълон қилинган ижодиёт ҳақидаги фикр-мулоҳазалар(ҳоҳишига қараб).

Аризаларни қабул қилиш – ушбу эълон рўзномада чоп этилган кундан бошланади. Аризаларни қабул қилишнинг сўнгги куни 2000 йилнинг 20 майи. Аризалар Очиқ Жамият Институти – Ўзбекистон Ёшлар дастурининг Эксперт қўмитаси томонидан кўриб чиқлади. Май ойининг охирида танлов натижалари эълон қилинади.

Тақдим этилган аризалар тақриз қилинмайди ва қайтариб берилмайди.

Зарбог кўчаси, 31 уй, 700031, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон.

**Телефон/факс(3712)1523698, (3712) 152 39 15,
(3712) 1523916**

Email:anvar@debate.uzsci.uz

Ёшлар дастури координатори – Анвар РАҲИМОВ

Ma'rifat

ТАҲСИС
ЭТУВЧИЛАР:

Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Ўзбекистон Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Таълим ва фан ходимлари касаба ўюшмаси Марказий Қўмитаси.

Бош мұхаррир
Халим САЙДОВ

Таҳрир ҳайъати: Йўлдош АҲМЕДОВ, Жумана-зар БЕКНАЗАРОВ, Икром БЎРИБОЕВ, Шукур ЖОНБОЕВ, Фаҳрилдин КАРИМОВ(масъул котиб), Курбонбой МАТКУРБОНОВ, Нўймонжон РАҲИМ-ЖОНОВ, Йўлдош САИДЖОНОВ, Абдусамат РАҲИМОВ (бош мұхаррир ўринбосари), Ҳулкар ТҮЙМАНОВА, Сайдулла ҲАҚИМОВ, Утқир ҲОШИМОВ

«Шарқ» нашриёт матбаа концерни босмахонаси.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси 41-уй

Рақам ва даиллар ҳаққонийлиги учун мақолалар мұаллифлари масъуллар. Фойдаланылмаган мақолаларга жавоб қайтарилади. «Ма'rifat»дан материалларни күчирб босши таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: маъсул котиб—136-56-42, хатлар ва оммавий ишлар бўлими—136-54-23.

Газетани IBM компьютерида
Абдурасул НАРМАНОВ ва Малоҳат ТОШОВА
саҳифалади.

Навбатчилар: Ҳулкар ТҮЙМАНОВА,
Бахтиёр АБДУСАТТАРОВ

ҚУТАЛОВ!

Қадрли Тоҳиржон
Хонкелдиев!

Сизни туғилган кунингиз билан чин дилдан табриклаб, ишларингизда улкан зафарлар, соғлик тилаймиз. Оилавий хотиржамлик сизни ҳеч қачон тарк этмасин.
Учқўргон туманидаги Ойбек номли 40-мактаб жамоаси

Мұхтарам Шоира
Абдураззоқова !

Таваллуд кунингизга 50 йил тўлиши муносабати билан Сизни самимин табриклаймиз. Ўқитувчилик фаолиятингизда, шахсий ҳаётингизда бахт ва омад йўлдош бўлсин. Оилангиз бахтига соғ-саломат бўлинг.

Тошкент шаҳар Шайҳонтохур тумани Х.Исломов номли 41-мактаб жамоаси



КЎҲНА ШАҲАРГА САЁҲАТ

Акмал Икромов тумани 197-мактабда “Огохликка даъват”, “Алломаларимиз фазилатлари биз учун ўrnak” каби бир қатор мавзууларда иншолар кўрик-тандлови ўтказилди.

Бундан ташкири, 8-сinf ўқувчиларни Самарқанд шаҳрининг тарихий обидалари билан танишириш мақсадида бир кунлик саёҳат ўюстирдик.

Ўқувчилар дастлаб Хартанг кишлоғида жойлашган, буюк Ҳадисшунос аллома имом ал-Бухорий Ҳазратларни қабри ўрнида куриб битказилган гўзал масжид мажмуасини зиёрат қилдилар. У ерда Имом ал-Бухорий ҳаётини ва ижоди билан танишидилар. Сўнгра Гўри Амир мак-

бараси, Регистон майдонида жойлашган Шердор, Тиллакори, Улуғбек мадрасаларида бўлишиб, у ерда ҳам тарих саҳифаларида ўтган аждодлар ишларини кўриб, ҳайратланишиди. Шоҳи Зинда мақбаралар мажмуи ҳам болаларда катта таассурот қолдириди.

Саёҳат ниҳоясида ўқувчилар ўтасида «Сизда катта таассурот қолдирган иншоот» мавзусида савол-жавоб ўтказилди. Болалар сафар давомида кўрган тарихий-меъморий обидаларни у ёки бу жиҳати билан ўзларини ҳайратга согланлигини айтиб беришиди.

Маъмурा МАҲКАМОВА,
197-мактаб ўқитувчиси.

«Маънавият» – нашриёти ўқувчиларнинг ёзги дам олиш оромгоҳлари кутубхоналарини ташкил этиш ва жиҳозлаш учун лотин ёзувига асосланган янги ўзбек алифбосидаги адабий-бадиий китобларни ҳамда турли-туман мавзуулардаги плакатларни нашрдан чиқарди. Шунингдек, мазкур нашриётда ёзги оромгоҳларда ўқувчиларнинг ташкилотчилигини, спорт ишларидаги фаоллигини рағбатлантириш учун мақтов ва фахрий ёрликлари ҳам мавжуд. Ушбуларни Сиз нашриётдан харид қилишиниз мумкин.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри.
Шодлик кўчаси 6-уй тел: 67-07-31,
67-77-09, 68-17-55

Тошкент радиотехника-электроника ва автоматика касб-хунар коллежи жамоаси ва касаба ўюшмаси колледж директори Абдураус Сокировга акаси

Абдурашид ЗОКИРОВнинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Тошкент Давлат авиация институти раҳбарияти ва касаба ўюшмаси жамоаси, институт “Олий математика ва информатика” кафедраси доценти Г.Шодмоновга умр йўлдошлари

Каромат ШОДМОНОВАнинг бевақт оламдан кўз юмгандлари туфайли ҳамдардлик билдиради ва чуқур таъзия изкор килади.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 20.

ИНДЕКС: 149, 150.

Г-377.

Тиражи 36.285

Г. 1 2 3 4 5 6

Ҳажми 4 босма табоб. Оғсет усулида босилган, қоғоз бичими А-3.

Босишига топшириш вақти — 20.00.
Топширилди — 20.00.